

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАРИХ ВА МАДАНИЙ МЕРОС ФАКУЛЬТЕТИ**

**ТАРИХ КАФЕДРАСИ**

*Кўлёзма ҳуқуқида  
УДК*

*94(575.146),069.01*

**5A120302-тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)  
мутахассислиги битирувчи курс магистранти**

**РАВШАНОВ ЎКТАМАЛИ РУСТАМ ЎҒЛИ**

**«ҒАРБ ВА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИ ТАРИХИНИ  
ЎРГАНИШДА БУХОРО МУЗЕЙИ ЭКСПОНАТЛАРИНИНГ  
ЎРНИ»**

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар**

\_\_\_\_\_

**Тарих фанлари доктори,  
профессор Х.Х. Тўраев.**

**Бухоро-2018 й**

Диссертация Бухоро давлат университети Тарих ва маданий мерос факултети “Тарих” кафедрасида бажарилди.

<b>Илмий раҳбар</b>	_____	<b>Тарих фанлари</b>
<b>Тўраев</b>	<b>доктори,</b>	<b>профессор Х.Х.</b>
<b>Расмий оппонент</b>	_____	<b>Тарих фанлари</b>
<b>номзоди,</b>		<b>доцент К.Рахмонов</b>
<b>Кафедра мудири</b>	_____	<b>Тарих фанлари</b>
<b>номзоди,</b>		<b>доцент К.Рахмонов</b>
<b>Магистратура бўлими</b>		
<b>бошлиғи</b>	_____	<b>О.С. Қаҳхоров</b>
<b>Магистрант</b>	_____	<b>Ў.Р. Равшанов</b>

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	4-9
<b>1-БОБ. ХОРИЖИЙ АРТЕФАКТЛАРНИНГ БУХОРО МУЗЕЙЛАРИГА КЕЛИБ ҚОЛИШ ТАРИХИ</b> .....	10-21
1.1. Бухоро музейида жаҳон тарихи материаллари.....	10-21
1.2. Шарқ ва Ғарб мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқалар тарихи музей экспонатларида.....	22-34
<b>2-БОБ. БУХОРО МУЗЕЙИ ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШ МАНБАСИ</b> .....	34-47
2.1. Ҳинди-Эрон ва Афғонистон буюмларининг умумий тавсифи.....	34-38.
2.2. Хитой, Туркия ва Араб мамлакатлари тарихига оид ашёларни атрибуциялаш.....	39-47
<b>3-БОБ. БУХОРО МУЗЕЙИДАГИ ҒАРБ МАНУФАКТУРАСИ ДУРДОНАЛАРИ</b> .....	48-59
3.1. Россия билан алоқаларнинг устун жиҳатларини намоён этувчи экспонатлар.....	48-55
3.2. Ғарбий Европа мамлакатлари тарихий ашёларига умумий тавсиф.....	56-59
<b>ХУЛОСА</b> .....	60-63
<b>Фойдаланилган адабиётлар</b> .....	64-66
<b>ИЛОВАЛАР</b> .....	67-80

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Халқимизнинг бой тарихий ва маданий меросини янада чуқур ўрганиш, тарғиб қилиш, бойитиб бориш, ишончли мулохаза қилиш, шунингдек, музейлар фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини замон талаблари асосида мустаҳкамлаш мўлжалланган<sup>1</sup>. Тарихий жараёнларни ёритишда мутахассислар дастлабки манбаларнинг аҳамиятини жуда қадрлашади. Бу борада Бухоро музейида сақланаётган жаҳон тарихига оид тарихий ашёлар ўзининг илмий баҳосини топмоқда. Ушбу артефактларни дунё музейларида сақланаётган ўз давридаги эквивалентлари билан таққослаганда уларнинг ноёблик даражалари аниқланди. Турли даврларда турли мамлакатлардан келтирилган тарихий ашёлар илк маротаба ягона тўпламга жамланди.

Ривожланиб бораётган ушбу тарихий жараёнда дунё мамлакатлари ўзларининг тадрижий ривожланишлари, илм-фан тараққиёти, аждодларининг турмуш тарзини ўрганишга бўлган қизиқишлари йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу борада Бухоро музейи экспонатларининг ўрни ва роли ошиб бормоқда. Ушбу масаланинг долзарблигини инобатга олиб, музейида сақланаётган хорижий тарихий ашёларни ўрганиш ва таҳлил қилиш ишига қўл урилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилнинг 10-11 март кунлари қадим кентга ташрифи чоғида Арк қўрғони мажмуасида вилоятнинг туризм салоҳиятини янада ошириш дастури тақдимоти билан танишган эди. Унда янгидан барпо этиладиган Бухоро тарихи давлат музейи лойиҳаси ҳам намойиш этилди. 1,2 гектар майдонни ўз ичига оладиган янги музей қурилишига бюджет маблағлари ҳисобидан 68,3 миллиард сўм сарфланиши мўлжалланмоқда. Музей ишга

---

<sup>1</sup> 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.Т.: “МАЪНАВИЯТ”. 2017. С-244.

туширилганидан сўнг, Арк кўрғонида сақланаётган ноёб экспонатлар мазкур музейга кўчирилади<sup>1</sup>.

Музей экспонатлари йилдан йилга ошиб бормоқда. Музей кўриқхонанинг Франциянинг Лувр, Россиянинг Давлат Эрмитажи ҳамда Хитойнинг “Ғарбий Сиань бозори” музейлари билан олиб бораётган ҳамкорлиги, археологик тадқиқотлари давлатчилигимиз борасида кўплаб янги маълумотларни фанга маълум қилмоқда.

Ўрганилаётган мавзу орқали тарихда, хусусан музейшуносликда шу вақтгача қўллаб келинган методологияга қарама-қарши ўлароқ музейларимизда мавжуд тарихий ашёлар орқали дунё мамлакатлари тарихини ўрганиш илмий асослаб берилди. Шунингдек, Бухорога хорижий мамлакатлардан келтирилган ҳозирги кунда ноёблик даражаси ўсиб бораётган тарихий ашёларга илмий тавсиф ҳам берилди. Баъзи коллекциялар илк маротаба, қолганлари эса қисман ўрганилган бўлиб, иш давомида улар комплекс таснифланди.

**Ўрганилганлик даражаси.** Ўрганилаётган мавзу доирасида совет давригача ва совет даври олимлари томонидан бир қатор илмий ишлар қилинган. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида жаҳон мамлакатлари тарихини ўрганиш бироз секинлашди. Сабаби халқ тарихини янги руҳда ёзиш анъанасини шакллантиришга катта салоҳият сарфланмоқда. Тадқиқотимизда Бухоро музейида мавжуд хорижий артефактлар орқали жаҳон тарихининг маълум қисмини ёритишга ҳаракат қилдик. Бухоро музейларида мавжуд тарихий ашёлар маълум даражада ўзининг илмий баҳосини топиб келмоқда. Аммо хорижий мамлакатлардан турли даврларда келтирилган ва музей захирахоналарида сақланаётган ноёб ашёларнинг маълум бир турлари қисман ўрганилган<sup>2</sup>. Бухоро Амалий

---

<sup>1</sup>“Бухоронома” газетаси. 2017 йил 12 март сони.

<sup>2</sup>Из истории культурного наследия Бухары. Выпуск 2,3,5. Бухоро. 1994,1995,1996. –С.48; Ковровые изделия Востока. Ленинград.:1924. –С.14; Ремпель Л.И. Далёкое и близкое. Т.:1981. –С.304; Крестовский В.В. Въ гостях у эмира Бухарского. 1887. СПб., -С.186.

Санъат музейида мавжуд Хитой чиннилари<sup>1</sup> ва Европадан келтирилган юмшоқ жиҳозлар, ҳарби қурооллар<sup>2</sup> қисман ўрганилган. Шунингдек, Россиянинг XVIII аср охири XX аср бошларига оид чинни ва сопол буюмлари тарихи Ж. Мирзааҳмедов<sup>3</sup> томонидан нашр қилинди.

**Ишнинг мақсад ва вазифалари.** Тадқиқотнинг асосий мақсади Бухоро музейларининг жаҳон тарихини ўрганиш манбаси эканлигини исботлашдан иборатдир. Иш давомида Ғарб ва Шарқ мамлакатлари тарихи бизга маълум манбаларга таяниб, Бухоро музей ашёлари орқали ўрганилди. Диссертациянинг асосий мақсади қуйидагилардан иборат:

-Бухоро музейида мавжуд артефактларнинг жаҳон тарихини ўрганишда тутган ўрнини аниқлаш;

- хорижий буюмларни атрибуциялаш;
- бир турга кирувчи хорижий ашёларни коллекциялаш;
- мавжуд тарихий ашёлар билан дунё ҳамжамиятини таништириш.

Юқорида келтирилган мақсадларни амалга ошириш жараёнида қуйидаги вазифаларни бажариш назарда тутилган:

- амирлик хазинасига тегишли тарихий ашёларни танлаш;
- қадимий ашёларни танлаш;
- ноёб буюмларни хориждаги эквивалентлари билан таққослаш;
- айнан қандай тарихий ашёлар қайси даврда савдо муносабатларида устунлик қилганлигини аниқлаш.

**Тадқиқот ишининг объекти.** Бухоро музейлари экспозиция заллари ва захираҳоналарида сақланаётган хорижий мамлакатларда тайёрланган ва турли даврларда (мил.авв. I ва милодий XX аср) келтирилган барча туркум артефактлар. Қадим Бухорода музейларнинг ташкил этилиши қарийб бир асрлик тарихга эга. Илк музей профессор Мусо Саиджонов

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Санъат музейида Хитой чиннилари// Мозийдан садо//. №2, 2012. Б – 9-10; Қ.Жумаев. Ситораи Моҳи Хосса. Б.;2010. –Б.56-57.

<sup>2</sup>Ишононов А.И. Бухарская народная советская республика. Т.1969. - С161; Ремпель Л.И. Далёкое и близкое. Т.:1981. С-304.

<sup>3</sup>Мирзааҳмедов Ж. История материальной культуры Узбекистана. Выпуск 20.Т.:1986. С-173.

томонидан 1922 йил 7 ноябрда Кўкалдош мадрасасидаги хужрада такшил этилган. Дастлаб музей археология, зоология ва этнография каби учта бўлимда ўз фаолиятини бошлаган. Кейинчалик, 1927 йилда Ситораи Мохи Хосса, 1947 йилда Амирлик зиндони музейи меҳмонларни қабул қила бошлаган. 1983 йилда Бухоро музейига кўрикхона мақоми берилгач, унинг таркибига Ромитан ўлкашунослик музейи ва Ибн Сино меъмориал музейлари қўшилган. 1991 йил 21 январда Халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгашининг “Тарихий обидаларни музейлаштириш тўғрисида”ги Қарорига асосан эса Темирчилик хунари тарихи музейи, Чашмаи Аюбда “Бухорода сув таъминоти тарихи” музейи, Нодир девонбеги хонақоҳида “Бухоро кулолчилик тарихи” музейи, Абдулазизхон мадрасасида “Бадий ёғоч ўймакорлиги” музейи ва Мағоки Аттори масжидида “Гидамлар музейи” очилган.

**Назарий ва услубий асослари.** Бухоро музейида мавжуд хорижий экспонатлар халқаро ИКОМ, ЮНЕСКО ва республикамиздаги маданият вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган қоидалар асосида, хорижлик сайёҳларнинг кундаликлари ва бошқа хорижий адабиётлар методологиясидан намуна олиб тайёрланди. Шунингдек, музейларни оммавийлаштиришда хорижий давлатларнинг тарихий ашёларини намойиш этиш юқори самара бериши бир қанча адабиётлар орқали аниқланган<sup>1</sup>.

**Илмий янгилиги.** Бухоро музейлари айна вақтгача фақатгина Ўзбекистон ва Бухоро тарихини ўрганиш манбаси сифатида танланган бўлса, бизнинг тадқиқотда Ғарб (Россия, Англия, Германия, Франция, Италия, Голландия) ва Шарқ (Ҳиндистон, Туркия, Араб давлатлари, Эрон, Хитой, Япония, Афғонистон, Марказий Осиё давлатлари) мамлакатлари тарихини ўрганиш манбаси сифатида кўриб чиқилди.

---

<sup>1</sup>Chi-Ming.Hsieh. Moderating effect of membership status on the quality-value-loyalty chain at museums.//**scientific journal publishers limited**//2018, 46(1), 107–126.

**Илмий ва амалий аҳамияти.** Бухоро музейларида мавжуд тарихий ашёларни илмий таснифлашда ҳар бир экспонатга хос ўрганиш услублари ишлаб чиқилди ва улардан амалда фойдаланилди. Ушбу турдаги буюмларга илмий таъриф (паспорт)лар ёзишда хорижий музейларнинг тажрибалари асос қилиб олинди. Масалан, Хитой чинилари алоҳида оилалари бўйича, рус самоварлари шаклига кўра, овал, банка, шолғом ва шу каби туркумлар орқали таснифланди. Захираҳоналарда сақланаётган баъзи экспонатлар ЮНЕСКО томонидан ишлаб чиқилган қоидалар асосида қимматлилик даражаси аниқланди.

**Синовдан ўтказиш.** Ушбу кичик илмий тадқиқот жаҳон тарихи ва дунё музейлари илмий тажрибаларидан фойдаланган ҳолда, республикамизнинг музей ишларида, талабаларга жаҳон тарихини ўқитишда ҳамда Бухоро ва дунё музейларида тадқиқот ишларини олиб боришда қўлланилади. Шунингдек, хорижлик меҳмонларга Бухоро музейининг жаҳон моддий маданиятини ўзида сақлаб келаётганлиги билан таништиришда қўлланма бўлиб хизмат қилади. 1882 йил куз ойида Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат қилган рус ёзувчиси В.В. Кркестовский Туркистон генерал-губурнатори Бухоро амирига қуйидаги буюмларни совға қилганлигини айтиб ўтади:

Императорнинг кумуш рамкали фронтон шаклида ишланган портрети;

Мева қўйиш учун кумуш гардишли 2 дона катта ваза;

Шарбат ва салқин ичимликлар учун кумушдардишли биллур кўза;

Кремл сурати ўйиб ишланган кумуш шакардон;

Ўйрик кумуш самовар;

24 та буюмдан иборат чинни идишлар тўплами;

24 та буюмдан иборат биллур идишлар тўплами;

Халат учун ҳашамдор бахмалнинг икки бўлаги;

қиммат духоба бўлаги;

зардўзи ишланган парча мато бўлаги;

Белл системасидаги телефон ишлаташ учун барча анжомлари билан;

Жами 12 та совға юборилган, аммо совғалар Тошкентда очиб кўрилганда иккита биллур безакли олтин суви юритилган эски вақтдаги Александр заводида ишланган вазалар синдирилган<sup>1</sup>. Юқорида номлари саналган идишларнинг маълум бир қисми ҳозир ҳам музейда сақланмоқда.

**Ишнинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, олти режа, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ҳар бир режа ҳудудий жиҳатдан алоҳида қилиб ёритилган. Хулосада эса ишдан олинган натижаларга бирма-бир тўхталиб ўтилган. Шунингдек, ўрганилган тарихий ашёлардан намуналар ишнинг иллюстрациялар қисмида келтирилган

---

<sup>1</sup>Крестовский В.В. Въ гостях у эмира Бухарского. 1887. СПб., -С.186.

## **1-БОБ. ХОРИЖИЙ АРТЕФАКТЛАРНИНГ БУХОРО МУЗЕЙЛАРИГА КЕЛИБ ҚОЛИШ ТАРИХИ.**

### **1.1. Бухоро музейида жаҳон тарихи материаллари.**

Қадимий тарихий ашёлар ўзининг бадиий қиймати билан барча замонларда ҳам қадрланган. «Туркестанские ведомости» газетасига асос солган Н.А.Маев (1835-1896 йй.) 1879 йилда чоп этилган «Бухоро хонлиги очерклари» номли асари (асарнинг вилоятдаги яккаю-ягона нусхаси Термиз Археология музейи архивида сақланади)да жуда кўплаб тарихий маълумотларни ёзиб қолдирган. Маевнинг ёзишича, Бухоро музейи сарой дарвозасининг ёнида жойлашган бўлиб, музей хонасида узунлиги бир саржин келадиган камчин илиб қўйилган. Айтишларича, бу ерда илгари етита ана шундай камчин бўлиб, қолган олтитасини амир Насрулло Бухоронинг авлиё кишилари ва дарвешларига муқаддас матох сифатида бўлиб берган экан. Худди шу ерда қандайдир авлиёнинг илон кўринишидаги хассаси, ҳар хил ойболталар, яқинда Маккадан қайтган хожилар томонидан топширилган номаълум дарахт танасининг бир қисми билан дарахтнинг ғадир-будур илдизлари сақланган<sup>1</sup>. Ушбу маълумотнинг ўзи ҳам бизга Бухоро музейининг амирлик давридаёқ фаолият кўрсатганлигини билдиради.

Тадқиқотнинг объекти, яъни Бухоро музейи 1922- йилдан ҳозирги кунгача тарихий ашёларни йиғиб келмоқда. Музей-қўриқхонада сақланаётган моддий фонд коллеляси таркибига қуйидагилар киради:

Тўқимачилик -611 дона;

Тери буюмлар – 129 дона;

Зардўзи матолар – 473 дона;

---

<sup>1</sup>Н.А.Маев. Бухоро хонлиги очерклари.Т.: 2012. –Б.51.

Бадиий кашта матолар – 779 дона;  
Гидамлар – 104 дона;  
Заргарлик буюмлари – 2934 дона;  
Бадиий металл ва куроллар – 3292 дона;  
Чинни, фаянс, ойна ва биллурлар – 741 дона;  
Сопол буюмлар ва мрамар – 998 дона;  
Ёғоч буюмлар – 1316 дона;  
Миллий кийимлар – 1563 дона.

Бухоро музейида мавжуд барча хорижий артефактларга<sup>1</sup> қуйидаги таҳлил тамойиллари орқали тавсиф берилади:

- **Худудий**

- **Даврий**

- **Коллекциялар бўйича**

Ўрта Осиё халқлари қадимдан Яқин Шарқ ва Ғарб давлатлари, яъни Урарту, Миср, Греция, Бобил, Рим кабилар билан иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатганлар. Ўрта Осиё заминида ўтган машҳур «Буюк ипак йўли» Шарқий Осиё ва Ҳиндистонни Ўрта ер денгизи мамлакатлари билан боғлар эди.

Россия империясининг маҳаллий аҳолини ўрганиш жараёни айниқса, XIX асрга келиб жуда авж олди. Петербургдаги Осиё музейининг директори, шарқшунос олим Х. Д. Френ 1834 йил Ўрта Осиёдан излаб топилиши мумкин бўлган Шарқ муаллифларига мансуб «Юз асарнинг хронологик рўйхати» ни тузиб чиқди. Оренбург божхонасига савдогарларни жўнатиш ва кўрсатилган қўлёмаларни Петербургга юбориш ҳақида фармойиш берилди, бу вазифа буюрганидан ҳам аъло даражада бажарилиб, Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари тарихи географиясига доир қимматли қўлёмалар Петербургга оқиб кела бошлади. Бу Ўрта Осиё моддий ва маънавий ёдгорликларининг олиб келинишининг биринчи босқичи эди. Шу

---

<sup>1</sup> Артефакт – музей ашёси ғисобланган ва ноёб эканлиги аниқланган тарихий ашёлар.

даврдаяқ Европа давлатлари ва Россиянинг подшо саройлари кутубхоналарида Туркистон ёдгорликлари пайдо бўла бошлади. 1853 йили рус кўшинлари томонидан Оқ масжид қалъасининг қўлга киритилиши пайтида моддий ва маънавий хазиналаримиз рус кўшини томонидан вахшийларча таланди. 1869 йилдан режали ўлжа йиғиш чоралари ишлаб чиқилди. Солдат - офицерлар қўлларига Петербургда ёзилган тавсиянома берилиб қандай нарсаларга аҳамият беришликлари кўрсатилган эди. Асосий мақсад: Туркистон шаҳарлари ва хонликлардан қўлёзмалар, ҳужжатлар, танга, муҳр, амалий санъат намуналари, осори - атиқалар, маҳаллий хунармандларнинг ижод маҳсулотлари, гиламлар, мис ўймакорлиги буюмлари, нодир эгар - жабдуқлар, заргарлик буюмлари, айниқса, соплари дур, гавхар тошлари билан безатилган қимматбаҳо металллардан ясалган қилич, ханжар, пичоқлар ва бошқа буюмлар Петербургдаги музей ҳамда кутубхоналарга жўнатилиши керак эди.

Маданий ва маънавий ёдгорликларни илмий асосда йиғиш 1873 йили Хива хонлигига юриш олдидан жуда мукаммал ташкил қилинди. Бу ишга Петербургдаги рус география жамияти бош қош бўлди. Ўйрик шарқшунос олим П. И. Лерх хонликда нималарга эътибор бериш ва йиғиш ҳақида мукаммал дастур ишлаб чиқиб Туркистонга юборди. Дастур, яъни «Кўрсатма» типография йўли билан нашр қилиниб солдат ва офицерларга тарқатилди. «Кўрсатма»нинг махсус бўлимида архив ҳужжатлари, тилла, кумуш тангалар ва қўлёзма китобларни йиғиш алоҳида қайд этилди. Яна кўрсатиладики, юқоридаги ёдгорликлар, қозихоналар, масжид - мадраса ва хонадонлардан олинсин. Бу ерларда Абу Райхон Беруний, А. Навоий ва бошқа мутаффакирларнинг қўлёзмалари бўлиши шартлиги кўрсатилади. Ёзилган қўлёзма ва осори - атиқа буюмларини Петербургда жўнатиш Туркистон генерал - губернаторининг фахрий маслаҳатчиси шарқшунос олим А. Л. Кун

зиммасига маъмурий йўл билан юклатилади. Солдат ва офицерларни рағбатлантириш йўллари кўрсатилади. Бу пайтда Хива хони шошилини равишда қочган бўлиб, сарой босқинчилар ихтиёрида қолган эди. Хон саройи ва ундаги хазиналар талон - тарож этилди, қўлёмалар ва хужжатлар Петербург императори кутубхонасига (ҳозирда С. Шедрин номидаги Петербург давлат кутубхонаси) жўнатилади. Хива хони тахти эса 1874 йилда Москвадаги қурол аслаҳа палатасига топширилди. Бу тахтни илмий тавсиф этган рус олими В. В. Стасов: «Бу тахт Хива хонарманд усталарининг маҳорат чўққиси, яъни металлга гул солиш хонарининг бетакрор маҳсули» дейди. Хон саройидан олинган қимматли ўлжалар ичида 200 та пул ясайдиган қолиплар, 25 пуд тилла ва кумуш, хон муҳри, 200 дан ортиқ қадимий тангалар, беҳисоб қимматли тошлар ва тиллодан ясалаган заргарлик буюмлари ва кийим - кечаклар бор эди. Бу нарсалар Петербург ва Москва музейларига Эрмитаж, Царскосельский арсенал, Москва политехника музейи, этнография музейи ва бошқа жойларга жўнатилади. Булар бутун дунёдан келтирилган санъат дурдоналари эди. Беҳисоб Хитой чинни идишлари, Эрон, туркман ипак гиламлари, Кашмир рўмоллари, ажойиб чопон ва қурол аслаҳалардан, беҳисоб заргарлик буюмларидан иборат эди. Фақат XVII - XVIII - XIX асрга оид Хитой чиннисидан ясалган буюмлар 1000 дан ортиқ бўлиб бу нарсалар рус офицерларига ўлжа бўлди. 1875 - 1876 йили Қўқонга юриш бўлди, хонлик тугатилиб, хонлик хазинаси, ундаги қўлёмалар қимматли мис, тилла, кумуш буюмлар, қурол аслаҳалр Петербургга жўнатилади. Қўқондан олинган мисгарлик, заргарлик буюмлари шу вақтгача йирик музейлар - Эрмитаж, Британ музейи ва бошқа музейларнинг кўргазмаларида кўрсатилмоқда. Шундай қилиб, Ўрта Осиё халқларининг тўкилган қонлари ҳисобига Туркистон ерида 5 та маъмурий вилоят: Сирдарё, Зарафшон (Самарқанд), Фарғона, Каспий орти вилояти, Етгисув тузилиб генерал - губернаторга қарам бўлди ва Россиянинг тўла

маънодаги колониясига айланди. Бухоро билан Хива рус империясининг тобе хонликлари бўлиб қолди. Ўлкада ярим подшо Туркистон генерал - губернатор бўлиб, у чекланмаган ваколатга эга эди. Энди янги вазифа Ўрта Осиёнинг улкан территориясини ўзлаштириш, уни чоризмнинг Шарқдаги истехкомига, бойиш манбаига айлантириш, ўлкани мукаммал ўрганиш, яъни ўлкани ер ости ва ер усти бойликларини ўсимлик ва ҳайвонот оламини, тарихини, этнографиясини ўрганиш зарур эди. Бу борада катта дастур ишлаб чиқилди: унда Туркистоннинг қадимги тарихи, моддий ва маънавий ёдгорликлари, географияси, ер ости ва ер усти бойликлари, табиати, ҳайвонот дунёси, урф одатлари, ҳаёт тарзини кенг кўламда ўрганиш ва ўзлаштириш мўлжалланган эди. Шу мақсадда генерал - губернатор ҳузурида фахрий маслаҳатчилар штати барпо этилди ва бу лавозимларга шарқ тарихи билимдонлари жалб этилди. Петербургдан шарқшунос олимлар Ўрта Осиёга доимий ва узоқ муддатли командировкаларга келиб маҳаллий коллекционерлар ва шарқшунослар ёрдамида ҳар тарафлама текшириш ўтказар эдилар. Улар ишни археологик қазилмалар ва бетакрор мақбара ва мадрасалардан бошлар эдилар. Бу ишларнинг атижаси ўлароқ, улар ихтиёрида қадимий нодир ёдгорликлар, қимматли манбалар тўпланарди. Бу ноёб манбалар Петербург музей ва кутубхоналарига жўнатилади. Улар Петербургнинг ҳамма шаҳарларига генерал губернатор ваколати билан бориб хон саройлари, мадрасалар, масжидлар, қозихона ва савдогарларнинг шахсий коллекцияларини, моддий ва маданий ёдгорликларни, қадимий нодир кўлёмаларни изчил равишда кўлга киритиб, саралаб Петербургдаги археология комиссиясига, Осиё музейига ва Император кутубхонасига узлуксиз жўнатиб турдилар. Булардан ташқари шу мақсад йўлида 1867 йилдан то 1917 йилгача Туркистонда 15 тадан ортиқ илмий жамият ва тўғараклар ишлаб турган. 1895 йилда Тошкентда археолог, этнограф ва антропологлар тўғараги ташкил этилиб, унга Николай Петрович

Остроумов бошчилик қилди. Тўғаракнинг асосий вазифаси - ўлканинг бой маданияти ва тарихини ўзида мужассамлаштирган ёдгорликларни тўплаш ҳамда ўрганиш бўлди. Бу ишда Петербургдаги император археологлар жамияти билан ҳамкорлик йўлга қўйилган эди. Тўғарак тўпланган ёдгорликлар ҳақида марказга ахборот бериб турар ва марказдагиларнинг тавсияси билан қўлга киритилган ёдгорликларни Петербургга жўнатар эдилар. 1898 йилда Андижон кўзғолонининг сардори Дукчи Эшон кутубхонаси мусодара қилинди. Ундаги 194 нодир қўлёзма тезликда Петербургга жўнатилди. Туркистон хазиналарини марказга юборишда жонбозлик кўрсатган яна 3 чи бир гуруҳ бор эдики, улар маҳаллий ҳаваскор ёдгорликлар мухлислари эдилар. Улар ўлка зиёлилари, рус маъмуриятининг расмий ходимлари ва катта кичик ҳарбий амалдорлар эдилар. Рус тарихининг намояндалари ўзларининг Туркистонда олиб борган илмий ва ёдгорликларни тўплаш ишларида маҳаллий мухлисларга таяндилар. Масалан: самарқандлик Мирза Қосимов, тошкентлик савдогар Ақром Асқаров, самарқандлик Мирза Абдулла Бухорий, этнограф Шохимардон Иброҳимов, самарқандлик Абу Саид Махсум, археолог Олим Турди Мирғиёсов ва бошқалар. Булардан ташқари, яна Петербург, Москва музейларидан беҳисоб мутахассислар тез - тез ўлкага келдилар ва ҳисобсиз ёдгорликларни олиб кетдилар. Шундай қилиб, бундай жозибали, афсонавий ўлка рус ҳукмдорларини шошилтириб қўйди. Ўлкада ҳар тарафлама «илмий текшириш» ишлари ривожланиб кетди. Чор ҳукумати Туркистон ўлкаси халқ оммасига миллий жиҳатдан ўзини англаш учун имкон бермас, чунки улар орасида тарихий билимларни кенг ташвиқот қилиш ва улар эътиборини қадимги ёдгорликлар қимматига жалб этиш чоризмнинг мустамлака сиёсатига путур етказди, деб ҳисоблардилар. Лекин Ўрта Осиёни ўз мустамлака мулки деб билган чоризм беқиёс бойликларни ўзлаштириш учун Туркистонни илмий асосда ўрганиш зарурлигини яхши тушунарди.

Илмий жамиятлар, Туркистон ўлкасининг тадқиқотчи олимлари, айрим шахслар, айрим муассасалар ўз фондларини Туркистон ўлкаси минералогияси, зоологияси, нумизматикаси, этнографияси, флора, фауна дунёсига оид ажойиб коллекциялар билан тўлдириб олдилар. Шу муносабат билан тарқоқ коллекцияларни бирлаштириш ва уларни Петербургга жўнатиш учун саралаш маркази лозим бўлиб қолди. Бунинг учун энг қулай Марказ музей ҳисобланиб, ўлкада музей ташкил этиш масаласи кўтарилди. Жумладан, А. П. Федченко Туркистон генерал губернаторига тайёрлаган ахборотда «Туркистонни муваффақиятли ривожлантириш учун у билан асосли равишда танишиб чиқиш керак, музей эса бунинг энг яхши воситасидир», деб ёзган эди. Шундай қилиб, А. П. Федченко, И. В. Мушкетов, В. Ф. Ошанин, В. В. Бартольд ва бошқалар Туркистонда музейлар қурилишининг ташаббускорлари бўлдилар. 1876 йил биринчи бўлиб Тошкент музейи (ҳозирги Ўзбекистон тарихи давлат музейи) очилди. Шу пайтдан эътиборан, Ўрта Осиёда бош музейнинг мавжудлиги расман тан олинди. 1896 йили Самарқанд, 1898 йили Еттисув, 1899 йили Фарғона ва Каспий орти (Ашхобод) ўлка музейлари барпо этилди. Экспозицияларнинг мазмунига келсак, унинг асосий вазифаларидан бири чоризм қуролининг Ўрта Осиёдаги ғалабаларини шарафлашдан иборат бўлиб, Туркистонни босиб олишдаги рус генераллари ва офицерларининг кўрсатган «жанговарлиги» мадҳ этилиб, уларнинг саноксиз портретлари кўрсатилган эди. Экспозицияларда маҳаллий тилларда изоҳ текстлари берилмасдан, маҳаллий аҳоли музейни кўриш ва тушуниш учун қисқача изоҳларга мухтож эди. Умуман, мустамлака маъмурияти музей экспозициялардан, ҳуқумрон метрополия ғояларини тарғиб қилиш учун фойдаланар эди. Бу ишда рус буржуазияси, савдогарлар ҳамда корчалонлар, мустамлака табиий бойликларини суистеъмол қилишдаги ўз ютуқларини намоиш этиш ва шу билан ўз маҳсулотларини пуллаш учун реклама яратишга

ҳаракат қилар эдилар. Шундай бўлсада, XIX асрда Туркистон ўлкасида дастлабки музейларнинг юзага келиши ўлкада маданиятнинг ривожига кўшилган ҳисса, деб биламиз. Маҳаллий аҳолининг оз қисми зиёлилари музей экспозициялари билан танишиб, ўлкаларининг ўз табиати, ер ости ва усти бойликларидан намуналар кўриб, ўзлигини билишда туртки олган бўлсалар ажаб эмас.

Жаҳон тарихининг ноёб парчалари бўлган тарихий ашёлар Бухоро музейида бир асрдан зиёд вақт мобайнида тўплаб келинмоқда. Музейнинг дастлабки коллекцияси Бухоро амирлари даврида йиғила бошланган эди. 1922 йил 7 ноябрдан Бухорода илк музей фаолият кўрсата бошлади. Ўша вақтда музейнинг асосий ашёлар фондини хорижий мамлакатлардан келтирилган ва амир саройини безаб турган буюмлар ташкил этган. Мана бугунги кунда музейда 130 мингдан зиёд тарихий ашёлар сақланмоқда. Уларнинг мингдан зиёди (тадқиқот давомида аниқланган) хорижий мамлакатлардан олиб келинган. Ушбу коллекциянинг ҳам тенг ярмини манғит амирларига совға қилинган ашёлар ташкил этади.

Бухоро амирлигининг Шарқ ва Ғарб мамлакатлари билан савдо алоқаларини ўрганишда қўлзма манбалар, рус ҳамда ғарб давлатлари элчилари ва дипломатларининг фаолиятлари билан боғлиқ ёзма ёдгорликлар катта рол ўйнайди. Бу борада олиб борилаётган тадқиқотда музей моддий ашёларининг ўрни кенг маънода очиб берилади.

Буюк ипак йўлининг Бухоро худуди бўйлаб ўтиши музейда мавжуд хорижий моддий-маданий мероснинг бош омили ҳисобланади. Сабаби айнан, Бухоро ипак йўлида транзит вазифасини ўтаган. Табиийки турли моддий ашёлар шу ерда сақланган. Музейда сақланаётган милoddан аввалги I ва миллодий аср бошларига оид сфинкс ва тошбоқа ҳайкалчалари энг қадимий хорижий ашёлар ҳисобланади. Улар Миср фаянсидан (сифати чинни ва сопол орасида, чиннига нисбатан қалинроқ

ва чидамли кулолчилик материали) тайёрланган бўлиб, тақинчок сифатида тақиб юрилган (орасига тақиб юришга мослаб тешикчалар ишланган). Сфинкс Миср фиравнлари қабрини қўриқлайдиган боши одам танаси шерники бўлган мавжудод, тошбоқа эса ибтидоий даврга оид тотем бўлиб, қут-барака келтирган.

Бухорони турли халқлар ва ҳукмдорлар бошқарган вақтларда ҳам у цивилизация маркази бўлиб қолаверди. Аммо дунёда ривожланиш, хусусан Ғарбий Европада жадаллик билан ўсди. Бухоро эса уларнинг қисман истеъмолчисига айланди.

Сибир XVI асрда ва бундан кейинги вақтларда йўлнинг узоқлиги ва ноқулайлиги туфайли Россиянинг марказий қисмлари билан иқтисодий жиҳатдан қониқарли жиҳатдан боғланмаган эди. Бунинг устига Россия ўзининг барча чет ўлкаларини, жумладан Сибир аҳолисини улар учун зарур бўлган моллар, айниқса ип-газлама ва кийим кечак билан етарли даражада таъминлай олмас эди. Чунки у вақтларда Россияда тўқимачилик саноати мамлакатнинг бепоён ерларини таъминлай оладиган даражада ривожланмаганди. Шунинг учун Сибирнинг чет мамлакатлар, жумладан Ўрта Осиёнинг молларига бўлган зўр талаби ва эҳтиёжи ҳамон давом этмокда эди<sup>1</sup>.

Рус ҳукумати Сибирнинг Ўрта Осиё молларига бўлган талабини қондириш мақсадида 1595 йилда Тара шаҳри аҳолисига бухоролик-тошкентликлар билан эркин ва божсиз савдо қилиш ҳуқуқини берди. 1599 йилги рус ҳукумати қарорига кўра, Сибир маъмурлари бухоролик-тошкентликларни меҳмон қилишга ва уларни тегишли равишда кутиб олишга сарфланадиган харажатларни давлат хазинаси ҳисобидан қилишлари керак эди<sup>2</sup>.

1622 йилда Бухоро хони Имомқулихон ўз элчисини Тобольска юборади. Элчи 200 мулозимини ва рус подшосига аталган совғани 37 киши

---

<sup>1</sup>Зияев Х. Сибирлик ўзбеклар (XVIаср – XX асрнинг бошлари). Т.: 1958. 11 - бет.

<sup>2</sup>Ўша асар. 12-бет.

олиб кириши елчиликнинг катта хажмдалигидан далолат беради<sup>1</sup>. Бухоролик-тошкентликлар Тобольск, Тюмень, Тара, Семипалатинск, Петропавловск, Омск, Томск ва Сибирнинг бошқа ерларига ўрнашиб, бу ерларда еркин ва божсиз савдо қилиш ҳуқуқини олишади ва рус давлати фуқароси номи остида Бухоро, Тошкент, Самарқанд, Хоразм, Фарғона водийси, Қашғар, Гулжа, Ёркент ва Чугучак ва бошқа шаҳарларга рус молларини олиб боришган ва у ерлардан бошқа талабгир молларни олиб келишган<sup>2</sup>. Умуман олганда Сибир ва Ўрта Осиё ўртасидаги савдо - сотик ишларини бухоролик савдогарлар олиб боришган.

Ёркент Бухорони Хитой билан боғловчи асосий транзит ўлка ҳисобланади. Бухоро хонлиги ҳудудидан Ёркент хонлигига элтувчи карвон йўли бир неча тармоқларга бўлинган. Асосий йўллар Еттисув ва Фарғона йўналиши ҳисобланиб, иккаласи ҳам Самарқанддан бошланган. Ёркентдан келтирилган моллар ҳақида Ёркент хонлари Абдурашидхон (1533-1561) ва ўғли Сўфи султон томонидан Хожа Ислом ва ўғли Хожа Саъдга жўнатилган йигирма мактуб орқали қисман хабардор бўлишимиз мумкин. Хатларда кўк, сариқ рангли каштали матолар, кашмир рўмоллари ва ўттизта тилла суви юритилган идишлар юборилганлиги ёзилган. Бухородан Ёркент орқали борадиган карвонлар Буюк Хитой девори ёнида жойлашган Хитой божхонасидан ички савдога киришишган<sup>3</sup>.

XVI асрда савдо йўллари денгиз ва океанларга кўчиши Ўрта Осиё ҳуқумдорларидан иқтисодиётни барқарор сақлаш учун турли чораларни кўришни талаб қилди. Бухорони Моварауннаҳр ва Хуросоннинг ягона марказига айлантирган Абдуллахон II Буюк Ипак йўли орқали 40 дан ортиқ сардоба ва 50 га яқин карвонсарой қурдирган. Бу эса ипак йўлининг маълум тармоқлари кейинчалик ҳам фаолият кўрсатишини таъминлаган.

---

<sup>1</sup>Ўша асар. 13-бет.

<sup>2</sup>Ўша асар. 21-бет.

<sup>3</sup>Бухоро ва Ёркент хонликлари ўртасидаги савдо алоқалари // Мозийдан садо. 2004. №3, -Б.22-23.

Тарихнинг янги даврида Бухорода савдо-сотиқ ишлари бироз секинлашади. Бунга эса ушбу даврнинг сиёсий муаммолари сабаб бўлади.

XVIII аср охирларига келиб Волга, Каспий денгизи ва Манғишлоқ орқали Ўрта Осиёга борадиган эски йўллардан ташқари янги йўл ҳам очилди. Бу йўл Оренбург шаҳридан бошланиб, Тошкент орқали Қўқон ва Бухорога борар эди. Рус товарларининг бир қисми Тошкентга келтирилмай туриб, Казалинск орқали Бухорога жўнатилар эди. Учинчи йўл Сибир йўли Семипалатинск ва Петропавловск орқали ўтиб, қозоқ даштларини кесиб ўтар ва Сарисув бўйлаб Тошкентга келган. Ушбу даврда бу савдо йўлларидан ташқари иккинчи даражали савдо йўллари ҳам мавжуд бўлган.

Хива, Бухоро, Самарқанд, Қарши ва Ўрта Осиёдаги бошқа шаҳарларнинг XIX асрдаги ўзига хос ва бетакрор тавсифини бизга Арминий Вамбери (1832-1913 йиллар) қолдирган. 1863 йилда Вамбери Қизилқум қумликлари орқали Бухорога етиб келади. “Бухоро мен учун қандай шаҳар эканлигини тасаввур қилиш қийин, қани энди шерикларим рози бўлсаю, мен бу шаҳарда ҳеч бўлмаганда уч-тўрт ой қолиб, бу ернинг бой маданий-маънавий бойликларидан бахраманд бўлсам”,- деб ёзади Вамбери Бухоро саёҳатининг биринчи кунндаёқ. Бу ерда унинг исломни билиш борасида қатъий синовдан ўтишига тўғри келади. У Бухоронинг фозил уламолари мунозарасига таклиф қилинди. Бу ҳақда Арминий шундай ёзади: “Мен у ёки бу масалада ғафлатда қолмаслик учун вақти-вақти билан ўзимни қизиқувчан қилиб кўрсатар, ўзим ул жанобларга фарз ва суннат, вожиб ва мустақаб ўртасидаги фарқларга оид бир неча саволлар берар эдим”. Бундан ташқари Вамбери “Бухоро дўконларида чойнинг 16 хили бор.... Келажакда Бухоро пахта ҳамда қум гардишли олмос ўлкаси бўлади ва шарқ мамлакатлари ўртасида энг кўзга кўринарли ўринни эгаллайди”, - деб юртимиз ҳақида фахр билан ёзади. Вамбери

Бухоро шаҳарнинг ўзида 360 масжид, 80 мадраса бўлиб, мадрасаларда 5 мингдан ортиқ толиби илм таҳсил олганлигини айтиб ўтади.

Ҳерман Вамбери Ўрта Осиёдаги, хусусан Бухордаги саёҳатлари хақида ўзининг “Менинг ҳаётим”, “Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат”, “Бухоро ёхуд Мовороуннаҳр тарихи” каби асрларида жуда қизиқ ва фактик маълумотларни келтириб ўтади. Сайёҳ, олим Вамбери Ўрта Осиёда дарвеш кўринишида бўлганлиги учун у, табиийки, бирон кундалик юрита олмади, барча таассурот ва кузатуларини ўз хотираларига муҳрлади ва кейинчалик Лондонга келганида кўрган-кечирганларини ипидан игнасигача ўзининг “Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат” китобига киритади.

Шуниси эътиборга лойиқки, у Бухорода ҳар бир маҳсулотнинг ўз бозори борлигини илгари ҳеч қаерда кўрмаганлигини алоҳида қайд қилиб ўтади. “Шерикларимни зўрға рози қилиб, Бухорода 18 кун бўлдим, лекин 43 кунлик яёв юрган йўлларим, саҳро қийинчиликлари Бухорога келишим билан йўқолди, жуда роҳатландим...”, - деган сўзларни битади у.

Ўрта Осиё билан савдони янада кенгайтириш мақсадида рус ҳукумати темир, пўлат, мис, чўян ва улардан тайёрланадиган буюмларни Ўрта Осиё хонликларига арзон нарҳда олиб келишга рухсат беради. Ўрта Осиё савдогарлари рус ерларига ва рус ярмаркаларига, биринчи галда Нижний-Новгород ярмаркасига бориш ҳуқуқига эга эдилар<sup>1</sup>. Аммо саноат эгалари ва рус савдогарлари мусулмон савдогарларининг воситачилигини тугатиш ва Ўрта Осиё бозорлари билан бевосита алоқа ўрнатиш учун ҳаракат қилганлар. Айнан ушбу омил ҳам Ўрта Осиёнинг руслар томонидан эгалланиш жараёнини янада тезлатишни талаб қилган.

Бухоро амирлигида жами 7 та банк мавжуд бўлган. Булар Рус-Осиё банки, Азов-Дон, Сибирского торгового, Русского для внешней торговли, Московского учетного и Соединенного. Бундан ташқари, бекликларда

---

<sup>1</sup>Россия – Ўрта Осиё муносабатлари тарихи. Бухоро.: 2004. –Б.43-44.

хам турли банкларнинг филиаллари ҳам бўлган<sup>1</sup>. Бухоро банкларининг жами маблағи 40 млн рублни ташкил этади<sup>2</sup>.

## **1.2. Шарқ ва Ғарб мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқалар тарих музей экспонатларида**

Бухоронинг кўшни давлатлар билан алоқалари тарихи XVIII асрнинг охирлари ва XIX асрнинг бошларида 30 йилдан ортиқ Шарқ мамлакатлари бўйлаб саёхат қилган Габайдулла Амиров томонидан ҳам ёзиб қолдирилган. Унинг кўрсатмалари 1825 йил «Азиатский Вестник» журналида нашр қилинган. Г.Амировнинг маълумотларига кўра, Ҳиндистоннинг Жайнагар ва Хайдаробод шаҳарларига Бухоро ва Қобул моллари қатори рус товарлари ҳам келтирилган. Бухоронинг ташки савдо алоқаларида, унинг кўшнилари Марв ва Ҳирот аҳолиси алоҳида рол ўйнаган. Бухоролик савдогарлар Марвга ҳар хил рус товарларини олиб келишган. Рус товарлари Бухоро орқали Ҳирот бозорларига ҳам олиб борилган. Г.Амировнинг Бухоронинг савдо аҳамияти тўғрисидаги фикрларини Мулла Олим Маҳмуднинг «Тарихи Туркистон» асари ҳам тасдиқлайди. Муаллиф бу асарда Бухорони ўз даврининг муҳим савдо маркази бўлганлигини таъкидлаган. Г.Амиров Қобул шаҳрининг Бухоро-Афғонистон савдосидаги муҳим марказ эканлиги ҳақида ёзиб, бозорларида 4 та карвонсарой, уларда ҳиндистонлик, кашмирлик, эронлик ва бухоролик савдогарлар тўхташган, деб маълумот беради. Хайдарободда ипак ва пахтадан жуда чиройли матолар тўқилиб, улар Қобул, Қандахар, Ҳирот ва Бухорогача олиб бориб сотилган. Сайёҳ Жайнагарни муҳим савдо шаҳри деб баҳолайди. У шаҳар бозорида Эрон, Афғон, Бухоро ва қисман рус товарлари сотилаётганлигини кўрган. Маълумки, рус савдогарлари Ўрта Осиё ва бошқа Шарқ бозорларига тўғридан-тўғри кириш имкониятига эга бўлмаган. Аммо ўрта осийлик,

---

<sup>1</sup>Хотамов Намоз. Свержение эмирского режима в Бухаре. Д.: 1997. – С.51.

<sup>2</sup>Ходжаев. Ф.Изб. труды, Т.:1. – С.346.

афғонлар, эронликлар ва ҳинд савдогарларининг воситачилиги орқали рус товарлари Ўрта Осиё ва Шарқ мамлакатларига олиб борилган. Амиров Кашмир савдоси ҳақида «Кашмирда 12 минг дастгоҳ бўлиб, унда 100000 шол рўмоли тўқилади, ундан 60000 Ҳиндистонга, 12000 Эрон, Туркия ва бошқа жойларга, 3000 Бухоро ва Россияга жўнатишга мўлжалланган, 20000 ни аҳоли сотиб олган, деб ёзади<sup>1</sup>. 1820-1821 йиллардаги А.Ф.Негри бошчилигидаги экспедиция таркибида табиатшунос Е.К.Мейендорф ҳам бўлган. У саёҳати маҳсули сифатида 1826 йилда «Путешествие из Оренбурга в Бухару» деб номланган китобини нашр қилдирган. Асарда кўпроқ Бухоронинг ички ва ташқи савдо алоқалари ёритилган. У Бухорони савдо-сотиғи ривожланган, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар билан доимий қизғин савдо алоқаларида бўлган, аҳолиси зич жойлашган шаҳар, деб ҳисоблаган. У Бухорода бўлганида 14 та карвон сарой мавжудлигини аниқлаган. Улар Абдуллажон, Қушбеги, Ҳинд, Нуғой, Хўжа Жўйбор, Тошкент, Қарши, Мирагул, Амир, Куллола, Фишана, Данкулла Шир ва Урганч номлари билан аталган. XVIII асрнинг 70 йилларида Бухорода 4 та ғишт карвонсарой бўлган бўлса, XIX асрнинг 40 йилларида Н.В.Ханьков даврига келиб уларнинг сони 24 та ғишт ва 14 та чўпқори карвонсаройга етган. Карвон-саройларнинг етишмаганлиги сабабли катта тимлар қурила бошланган. Шундай қилиб, Мейендорф келтирган далиллар XIX асрнинг 20-йилларида ҳам Бухоро амирлигининг Афғонистон, Ҳиндистон, Кашмир ва Эрон билан жадал савдо алоқаларида бўлиб турганлини тасдиқлайди. Жумладан, кейинги тўрт-беш йилда Бухорода ҳиндлар сони жуда тез кўпайиб кетиб 300 тага етга, уларнинг бир қисми муқим ўрнашиб олган бўлса, қолган қисми эса Қобулга бориб келиб туради. Бухорода тахминан 4000 афғонлар бўлиб, уларнинг бир қисми савдо билан шуғулланган. Эронликлар эса 40000 киши бўлиб, уларнинг аксарият кўпчилиги қуллар бўлган. Рус

---

<sup>1</sup>Амиров Г. Странствование Габайдуллы Амирова по Азии //Азиатский вестник. СПб., 1825. № 1-6. С.249.

тадқиқотчилари Бухоро-Россия савдосининг муҳим аҳамиятга эга эканлигини, хонликнинг рус товарларини шарқ мамлакатларига етказиб беришдаги воситачилик роли ортиб борганлигини ҳаққоний эътироф этган эдилар. Рус географик жамияти аъзоси бўлган Неболсин бухоролик Мир Халимнинг маълумотларини келтириб, Кобулдан Бухорога бир йилда уч, тўрт марта савдо карвони келган ва ҳар бир карвонда тахминан 200 дан 300 тагача туяда нил бўёғи келтирилган. Йилига 1000 туядан ортиқ бўёқ олиб келинган. Бу нил бўёқларини ҳиндлар ва лугони деб аталувчи афғон кабилалари олиб келишган Бухоро орқали Россия ва Ғарбий Европа мамлакатларига олиб кетиладиган анъанавий Эрон товарлари орасида жуда кўп феруза ва қўзи терилари бўлган. Бухоронинг ташқи савдо алоқалари тарихини ўрганишда П.Неболсиннинг “Очерки торговли России с Средней Азией” китоби бир қатор тарихчи олимларнинг тадқиқотларида муҳим манба бўлиб хизмат қилган. Неболсин Ўрта Осиёни ўрганаётган бошқа тадқиқотчилар каби, Ўрта Осиё бозорларига Эрон ва Ҳиндистон орқали кўплаб инглиз товарларининг кириб келишидан хавотирга тушган. У Ўрта Осиё аҳолисининг рус товарларига эҳтиёжини ўрганиб чиқиб, бу товарларнинг бир қисми Бухоро орқали Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон бозорларига етиб боришини таъкидлайди. У Россиядан Ўрта Осиёга тилло, кумуш, мис, чўян, темир, металл буюмлар, тери, бўёқ, қанд, мовут, чит ва турли ип ва ипак матолар келтирилишини таъкидлаб, Бухоро бирор-бир мамлакатдан рус металл буюмларига ўхшаш товарларни бундай арзон нархларда сотиб олиши мумкин эмас, деб ёзади.

Неболсин инглизлар Бухоро бозорларидан рус савдосини сиқиб чиқариш мақсадида ҳар хил усулларни қўллаб кўрганлигини ташвишланиб ёзган эди. Инглиз ҳукумати Ўрта Осиёга Ҳиндистон орқали ўз айғоқчиларини ва сиёсий жосусларини юбориб, маълумотлар тўплайдикки, бу маълумотлар инглизларнинг Ўрта Осиёга уюштирадиган

босқинчилигига тайёргарликни енгиллаштириши керак эди. Улар бу мақсадга, бошқача усул, яъни иқтисодий тазйиқ ўтказиш йўли билан ҳам эришмоқчи бўлишган. Бунинг учун Британия тадбиркорлари инглиз товарларини Ўрта Осиё бозорларида жуда паст нархларда сотишган. Рус савдосини синдириш мақсадида 1841- 1842 йилларда Бухоро бозорларига шу даражада кўп товарлар олиб келиб, жуда паст нархларда сотишганки, аҳоли рус товарларига умуман қарамай қўйишган. Шу йўл билан рус савдогарларини савдодан четлатиб, бир-икки йилдан сўнг товарларнинг нархини икки баробарга кўтариб юборган.

XIX аср ўрталарида Россия металл экспортининг 60% Ўрта Осиёга тўғри келади. 1836 йилда айнан Россия империясининг Осиё билан савдо алоқаларини таҳлил қилувчи қўмита тузилади. 1851-53 йилларда Россиянинг жами товар айирбошлаши 263 млн. рублни ташкил этган бўлиб, унинг 6,7 млн. рубли Ўрта Осиёга тўғри келган<sup>1</sup>. 1900 йилда Россия билан савдода Хитой 1-ўринда, Эрон 2-ўринда, Миср 3-ўринда, Ҳиндистон 4-ўринда бўлган. Ушбу мамлакатлар билан алоқаларнинг марказида Ўрта Осиё тўрган. Транзит йўллар шу ердан ўтган.

Жаҳон тарихини ўрганишда кундаликлар алоҳида ўрин тутади. Уларнинг алоҳида қимматли томони муаллифлар ўз юртлари ва ташриф буюрган ўлкаларини таққослашади ҳамда танқидий фикрларини маҳаллий тарихчиларга нисбатан очикроқ билдиришади. Аммо кундаликларнинг кўпчилиги субъектив аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг қай даражада тарихий ҳақиқатга тўғри келишини ўрганилаётган даврнинг кўплаб манбалари билан таққослаш керак бўлади.

Ўрта Осиёга ташриф буюрган биринчи инглиз сайёҳи ва элчиси Антоний Женкинсон (1525,29,30,?-1611йй.) саёҳатларини 1546 йил 2 октябрдан бошлаб, 1572 йилда Россияга сафари билан тугаллади. Шу давр ичида у Европа, Шимолий Африка, Кичик ва Олд Осиёни,

---

<sup>1</sup>Халфин Н.А. Присоединение Средней Азии к России. М.:1965.-С.70 .

шунингдек, Марказий Осиёни ҳам айланиб чиқди. Турли халқларнинг урф-одатлари ва тарихини ўрганди. 1555 йилда ташкил топган “Москва савдо компанияси” таркибида Россияга уч марта (1557, 1566, 1571) саёхат уюштирди. Дастлабки саёхатида у Ўрта Осиёга ҳам ташриф буюрди (саёхатга уч кема билан чиқди ва ўзи “Примроз”<sup>1</sup> кемасида адмирал эди). Саёхат 21 ой давом этди (1558 йилнинг апрелидан-1560 йилнинг сентябр ойигача). У Ўрта Осиёга саёхатини “Россиянинг Москва шаҳридан Бақтриянинг Бухоро шаҳрига” деб номлади (кундалик 1562 йилда Лондонда нашр этилган). Антоний Женкинсон кундалигида ёзганидек, ўзаро урушлар туфайли Хитойга бора олмасдан Бухородан қайтишга мажбур бўлди. Кундалигининг ҳам юқоридаги сингари номланишига айнан ушбу омил сабаб бўлган. Женкинсон саёхати давомида тузган йўл харитасини "Nova absolutaque Russiae, Moscoviae et Tartariae Descriptio" (“Rossiya, Muskoviya va Tartaryoning mutlaqo yangi ta'rifi”) номи билан 1562 йилда Лондонда кичик ҳажмда эълон қилди. 1570 йилда Абраҳам Артелий “Ер шарининг манзаралари” номли харитасига ушбу харитадаги баъзи суратларни қисқартирган ҳолда киритган<sup>2</sup>. Харитада Бухоро ҳукмдорининг ҳам суратини кўриш мумкин. Сурат остига "Blag Chan" деб ёзилган<sup>3</sup>. Ушбу асарда Бухородан ташқари Ўрта Осиёнинг Урганч (Urgence), Вазир (Sellisire), Қиёт (Kait), Тошкент (Taskent) шаҳарлари ва уларнинг ҳукмдорлари ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилган. Бухорода ўтган икки ойдан ортиқ вақт ичида Женкинсон шаҳар савдоси ва пул муомаласи борасида аниқ фикрларни билдирган ҳолда, ҳукмдорнинг қочиб кетиши, шаҳар аҳолиси ҳақидаги баъзи фикрлари тарихий ҳақиқатга тўғри келмайди. Бухоронинг жойлашув ўрни, дарёлар ва бошқа баъзи хабарларни ёзишда Женкинсон бу ерга келишидан олдин ўзига маълум бўлган маълумотлардан фойдаланади. Унинг гижжа

---

<sup>1</sup>Маъноси: “бир даста атиргул”

<sup>2</sup>Бухоро давлат музей-қўриқхонасининг чет ел сайёҳлари кўرғазмасида ушбу харитадан нусха намоиш этилмоқда (Арк кўрғонида).

<sup>3</sup>Бухорони Абдуллахон II (1557-1598) бошқарган.

касаллиги ҳақидаги маълумотларидан кейинги даврда келган сайёҳлар ҳам фойдаланишган. Айнан ушбу касаллик турли даврда келган сайёҳларни қизиқтирган. Женкинсон ўз кундалигида Бухоро ҳақида куйидагиларни ёзиб қолдирган:

23 декабр куни биз Бақтрия<sup>1</sup> худудидаги Бухоро (Boghar) шаҳрига келдик. Ушбу шаҳар ўлканинг пастлик қисмида жойлашган бўлиб, баланд девор ва дарвозалар билан ўралган. Дарвозаларнинг иккитаси бизни хон қароргоҳига, биттаси эса савдо расталарига олиб боради<sup>2</sup>. Бу ерда ҳар бир хунарманд ўзининг жойи ва алоҳида дўконига эга эди. Шаҳар жуда катта, уйлар, асосан, хом ғишт ва гувалалардан қурилган. Аммо тошдан қурилган уйлар ҳам кам эмасди. Ибодатхона ва саройлар салобатли ва жим-жимадор қилиб қурилган. Айниқса ҳаммомлар моҳирона ишланган бўлиб, уларнинг тенги бошқа жойда йўқ<sup>3</sup>. Улар ҳақида тўлиқроқ гапирадиган бўлсам, узоқ ҳикоя бўлади. Шаҳарнинг ўртасидан кичик анҳор оқиб ўтади<sup>4</sup>. Анҳорнинг суви лойқа бўлиб, Бухорода туғилмаган ҳар қандай киши унинг сувидан ичса, тирноқлари остида ва этида қурт (гижжа<sup>5</sup>) пайдо бўлади. Уни фақат маҳоратли жарроҳгина эт орасидан олиши мумкин. Агар шу жараёнда қурт узилса, ҳар куни бир дюм<sup>6</sup>га ўсиб бораверади. Қуртнинг қолган қисми охири келмагунча айлантириб олинаверади. Муолажа жараёнида беморга тоза сув ва отсутидан бошқа ҳеч нарса берилмайди. Кимдир қоидани бузиб бошқа бирор бир ичимликни истеъмол қилса, очик бозор майдонларида қамчи билан уриб жазоланган. Алоҳида шу иш билан шуғулланадиган ҳарбийлар ҳар бир уйни тинтиб, уйдан топилган спиртли ичимлик, вино ёки асалга турли

---

<sup>1</sup>Женкинсон Шайбонийлар давлати худудини Бақтрия деб аташига сабаб ундан олдин Европадан ташриф буюрган сайёҳларнинг (антик дунё олимлари бошлаб берган) юртларида бу ўлка шу ном билан танилган.

<sup>2</sup>XVI аср биринчи ярмида Бухоронинг 11 та дарвозаси шаклланган эди.

<sup>3</sup>Хиёбон кўчасида Абдуллахон мадрасаси қаршисида Абдуллахон II ҳаммоми бўлган.

<sup>4</sup>Зарафшоннинг Шохруд номли ирмоғи.

<sup>5</sup>Бухорога ташриф буюрган сайёҳларнинг аксарият қисми айнан ушбу касаллик ҳақида кундаликларида ёзиб қолдиришган. Илмий номи *filarial medinensis*. Қаранг: Яворскаго Л.И. Путешествие русскаго посольства по Авганистану и Бухарскому ханству въ 1878 – 1879 г. Туркестанскій сборникъ томъ 315. Петербургъ.: 1883 г. С – 338; Путевые очерки Туркестана (1913 г.). Часть VI. Бухара. М., 1914.

<sup>6</sup>2,5 сантиметрга тенг.

махсулотлар қўшиб ишланган ичимликларни топишса, идишларни синдиришган ва ичимлик таркиби бузилган. Агарда уй эгасининг нафасидан ҳам ичимлик ҳиди сезилса, ўша ерда уриб жазоланган.

Форслар ҳам мусулмон бўлишига қарамасдан, Бухоро шу кунларда улар билан шафқатсиз диний уруш олиб бормоқда<sup>1</sup>. Форсларнинг бухоролик ёки баъзи татарлар<sup>2</sup> каби соқолларини қўймасликлари урушга сабаб бўлган. Бу эса мусулмонларда катта гуноҳ ҳисобланган. Шунинг учун форсларга ишонишмаган ва христианлар каби уларни ҳам кофир деб билишган.

Бухоро ҳукмдори у қадар бой ҳам қудратли ҳам бўлмаган. Унинг даромади кўп бўлмай, хазинанинг катта қисми шаҳар ҳисобидан тўлдирилган. Хунарманд ва савдогарлардан даромадининг 1/10 қисми солиқ сифатида олинган. Бу эса халқнинг тобора камбағаллашувига олиб келган. Солиқлар йиғилиши устидан ҳукмдор қаттиқ назорат қилган. Хазина камайган тақдирда, ҳукмдор дарҳол амалдорларни юбориб, ноқонуний тарзда савдогарларнинг молларини ҳам қарзи эвазига тортиб олган. Мен олиб келган ўн тўққиз бўлак [тўп] матонинг пулини тўлаш учун ҳам ҳукмдор худди шундай йўл тутди. Хонликда кумуш ва мис тангалар ишлатилиб, олтин умуман ишлатилмаган. Бир кумуш танга 12 инглиз пенсига, мис танга пул (Poole) деб аталиб, 120 пул 12 пенсга тенг бўлган. Тўловларда кумушга нисбатан мис тангалар кўпроқ ишлатилган. Кумушнинг баҳосини хон ҳар ойда бир марта ўзгартирган<sup>3</sup>. Баъзан нарх ойига икки марта ҳам ўзгартирилган. Халқни қийналиши билан ҳукмдорнинг иши ҳам бўлмаган. У ҳатто қанча вақт ҳукмронлик қилишини ҳам билмаган. Хонлар 2 ёки 3 йил давлатни бошқаришган,

---

<sup>1</sup> Бу вақтда Эронни Тахмосп I (1524-1576) бошқараётган эди.

<sup>2</sup>Женкинсон Эрон чегарасигача бўлган ҳудудда яшайдиган халқларни татарлар деб атаган[5].

<sup>3</sup>Абу Мансур Кўчқинчи Баходирхон – 1527-28, Абу Саидхон – санаси номаълум, Убайдуллахон – 1537-38, Абдулатиф – 1540-41, 1548-49, Саид Бурхон – санаси номаълум даврларида кумуш тангалар зарб қилинган. Қаранг: Давидович А.Е. Клады древних и средневековых монет Таджикистан. М.:1979. С – 380-402.

баъзан уларни халқ ҳайдаб юбориши ҳам мумкин бўлган. Буларнинг барчаси халқни ва савдогарларни хонавайрон бўлишига олиб келган.

26 декабрда менга хон ҳузурига келиш буюрилди ва мен унга рус подшоси томонидан берилган ёрликларни тақдим этдим. У мени мулойимлик билан қабул қилди ва биргаликда тушлик қилишга таклиф этди. Хон менинг орқамдан бир неча бор одам юбориб, подшоҳнинг кудрати [Иван IV] ва турк султони, шунингдек бизнинг мамлакамларимиз, қонунларимиз ва динимиз ҳақида мен билан махфий хонада суҳбат олиб борди ҳамда мени бизнинг қуролларимиздан унинг олдида отишни буюриб, ўзи ҳам улардан отишни машқ қилар эди<sup>1</sup>.

Шундай бўлса-да, мен варвар<sup>2</sup> ҳукмдорини мақташга мажбурман, ҳолбуки у Бухорога келаётганимизда бизни талаган ўғриларга қарши 100 нафар яхши қуролланган аскарларни юборди ва ўғриларни топиб қатл қилишни буюрди. Саҳронинг ичкарасидан топилган ўғриларнинг бир қисми уриб жазоланди, қолгани эса қочиб кетди<sup>3</sup>. Ўғриларнинг 4 тасини хоннинг ҳузурига олиб келишди. Уларнинг икkitаси биз билан бўлган тўқнашувда оғир яраланган эди. Хон бизга одам юбориб, ўғриларни аниқлашни буюрди. Шундан сўнг бу тўртталасини сарой дарвозаси юқорисига ошишди. Қароқчилар обрўли кишиларнинг фарзанди бўлишига қарамасдан, хон ушбу ишни амалга оширди. Ўғриланган молларнинг озгина қисмини олишга муяссар бўлдик. Хондан фақат шу яхшиликни кўрдим.

Ҳар йил Бухорода бир маротаба савдогарларнинг йиғилиши бўлади. Ҳиндистон, Эрон, Балх (Balgh) ва бошқа бир қатор йирик мамлакатлардан катта савдо қарвонлари келади. Олдинлари тинч ва чегаралар очиқ вақтда Хитойдан ҳам қарвонлар келган. Савдогарлар шу қадар камбағал эдики, уларнинг кам миқдордаги моллари 2-3 кунлаб сотилмай қоларди. Чунки

---

<sup>1</sup>Бу вақтда ўт очар қуроллар саройда мавжуд эди.

<sup>2</sup>Женкинсон барча татар ҳукмдорларинишундайатаган. Ваҳоланки Бухоро қадимдан атрофдаги халқлар (асосан шимол) учун маданият маркази бўлган.

<sup>3</sup>Қизилқум саҳросига.

бу товарлар катта фойда келтирмаган. Халққа зарур моллар қуйидаги давлатлардан олиб келинган:

ҳиндлар татарлар бошларига ўрайдиган харир оқ мато ва бошқа сифатли матолар, пахтадан тикилган кўйлақлар олиб келишган, аммо улар олтин, кумуш ва қимматбаҳо тошлар ва хушбўй зираворларни олиб келишмаган. Менинг аниқлашимча, бу моллар португаллар назорати остида океан орқали бошқа жойларга олиб кетилган. Ҳиндлар Бухородан ипак мато, тери хом-ашёси, қул, отлар ва мовут олиб кетишган. Бу моллар уларга жуда кам даромад келтирган. Мен Ҳиндистоннинг турли жойларидан, Бенгалия ва Ганг бўйларидан келган савдогарларга ўзимдаги матоларни олишларини таклиф қилдим, аммо улар олишмади.

Форслар Бухорога мато, қоғоз, қалин газлама, рангли ипаклар, арғумоқлар (Argamacus) ва шунга ўхшаш товарларни келтиришган. Бухородан тери, рус товарлари, турли халқлардан бўлган қулларни олишган. Аммо Бухородан газмоллар олиб келинмаган сабаби форслар бу молларни Алеппо, Сурия ва Туркиядан олиб келишган. Бухорога рус савдогарлари қўй териси, ипак матолар, жун матолар, ёғоч идишлар, эгаржабдуқлар, рус ерларига эса пахта маҳсулотлари, турли сифатли ипак матолар ва бошқа буюмларни элтишган. Россия билан савдо ҳажми жуда кам бўлган. Хитойдан (Cathay) тинч ва йўллар очик бўлган даврда мушк, доривор гиёҳлар, атлас, кимхоб (ипакдан) ва бошқа моллар олиб келинган. Бухорода бўлганимда Хитойдан ташқари кўплаб турли буюк давлатлардан карвонлар келди. Сабаби мен келишимдан уч йил олдин Хитой томонда уруш бошланган экан. Бу уруш ҳозир ҳам давом этмоқда. Уруш икки татар давлатлари ўртасида Хитой чегарасидаги чўл худудларида бўлаётган эди. Урушаётган шаҳарларнинг бири Тошкент (Taskent)<sup>1</sup>, иккинчиси Қошғар (Cascar) дейилган. Тошкентда яшовчи халқлар қозоқлар (Cassack) бўлиб, улар ислом динига сиғинган, уруш

---

<sup>1</sup>Тошкентни Наврўз Аҳмадхоннинг тўнғич ўғли Дарвешхон бошқараётган эди (Абдуллонома 167 бет).

олиб бораётган Қашғарни Хонлар (Qings) бошқарган. Уларнинг тили ҳам дини ҳам бир бўлган. Бу варвар халқлари жуда кучли эди, улар чўлда яшашган. Уларнинг доимий уйи ҳам, шаҳри ҳам бўлмаган<sup>1</sup>. Аммо улар катта шаҳарларни талашган. Бу халқлар йўлни шундай тўсишган эдики, ҳеч бир карвон таланмасдан ўта олмасди. Биз шу ердалигимизда бир нарсага амин бўлдимки, уруш давомида ҳеч ким ушбу йўлдан ўтаётган карвонларни ҳимоя қилмаган. Хитойдан чиққан карвонлар йўл очик вақтда ҳам 9 ойда Бухорога келишган.

Мен Хитой ҳақидага ҳикояларни ва эшитганларимни бизнинг учрашувимизда айтишни афзал кўрдим. Бухорода қиш мавсумида дам олаётиб, бу ердаги савдо ҳақида кўп суриштирганимдан сўнг, бу ерда ҳам савдо бошқа ўлкалар савдо-сотиғига ўхшашлиги билан танишдим. Барча карвонларнинг кетиш вақти келди, бошқа томондан, хон урушга отланган ёки қочиб кетганлиги ҳақида гап тарқалди<sup>2</sup>. Диний раҳнамо шаҳарда қамал қилиниши мумкинлиги ҳақида мени огоҳлантириб, шаҳардан чиқиб кетишимни тавсия этди. Мен эса ўз саёҳатимни бошқа йўналиш бўйича давом этишга қарор қилдим ва Бухородан Эронга бориб, у ерда олиб борилаётган савдо-сотикни кўриш учун отландим, ваҳоланки, мен у ҳақида Астрахан ва Бухорода етарли даражада маълумотга эга бўлиб, Эрон савдоси кўп жиҳатидан Татаристонникига ўхшашлигига ишонч ҳосил қилдим. Биринчидан, сўфийлар<sup>3</sup> ва татар хонлари ўртасида катта уруш бошланган эди. Натижада йўллар тўсилган ва Ҳиндистон ҳамда Эрондан ёрлик билан келаётган савдо карвони таланган экан. Бухорогача 10 кунлик йўл нарида карвоннинг катта қисми ўғрилган ва ўлдирилган эди<sup>4</sup>. Бошқа томондан, хондан ҳам юқори турган Бухоронинг диний раҳнамоси рус подшоси томонидан менга берилган ёрликни олди, ушбу

---

<sup>1</sup>Женкинсон бу ерда бошқалардан эшитган нотўғри маълумотларни келтирмоқда.

<sup>2</sup>Балхга (Абдуллахоннинг амакиси Пирмуҳаммад бошқараётган эди) Бадахшон волиси Сулаймон ва ўғли Иброҳимнинг ҳужуми туфайли шу ерга кетган эди.

<sup>3</sup>Эронда шиалик масхабидаги Сафавийлар сулоласини Европада шундай аташган.

<sup>4</sup>Бадахшон ҳукумдори Балх атрофидаги қишлоқ ва савдогарларни талон-тарож қилган эди.

ёрликсиз мени ҳар қандай мамлакатда қул қилишлари мумкин эди. Ва ниҳоят, хон ва амалдорлар қарзлари эвазига олган мовут ва моллар Эронда ҳам сотилмади. Юқоридаги вазият ва турли сабабларга кўра мен Каспий денгизига бориб, шу ердан ортга қайтишга мажбур бўлдим. Шундай қилиб, биз 1559 йил 8 мартда Бухородан 600 туя билан йўлга чиқдик. Белгиланган вақтда чиқмаганимизда эди, мен ва дўстларимнинг ҳаёти ва моллари хавф остида қолиши мумкин эди. Биз йўлга чиққанимиздан 10 кун ўтиб, Самарқанд ҳукмдори Бухорога келди<sup>1</sup>. Ҳукмдор мамлакатни 2 ёки 3 йилдан ортиқ бошқариши мўжиза ҳисобланган. Бирор бир юрт ҳукмдори бошқа ерга кетганда, шу сулоланинг бошқа вакили бу ерни 3-4 йил қамал қилиб турган. Бундай босқинчилик хонлар ўртасида одатга айланган эди. 25 мартда биз Урганчга [қайтиб] келдик”.

Бухорога 1888 йил 20 февралда фотограф Дмитриев-Кавказский ташриф буюрган. Сайёҳ амирнинг ташқи саройи бўлмиш Шербудунда бўлади. У ўз кундалигида Бухоронинг 30 дан ортиқ тарихий-этнографик лавҳаларини чизиб қолдирган. Бухоронинг Шербудун саройида бўлган сайёҳ саройни қуйидагича таърифлайди

“...бир мирза келиб менга шаҳар ташқарисидаги саройни томоша қилишга рухсат берилганини айтди. Биз саройга келиб, унинг бир нечта кичик араб-форс услубида безалган хоналарини айландик. Баъзи хоналар деворий суратлар билан безатилган. Хоналардаги медалионлар (трунжлар) ичидаги наққошлик наъмуналари шарқ услубида ишланган. Ниҳоят мен энг ажойиб ойнали хонага келдим. Хона деворлари хошиясиз ойналар билан ўралган. Худди хона тугамайдигандек. Хонага франсуз гилами тўшалган, шифтда тўрт аршин узунликдаги франсуз бронзасидан ишланган қандил осиглиқ турибди. Хонадаги бошқа жиҳозлар ҳам Европадан келтирилган. Ўртадаги гумбаз араб услубидаги безаклар билан

---

<sup>1</sup>Бу вақтда Самарқандни Султон Саидхон (1557 йил сентябрдан) бошқарган.

безалган ва олтин суви юритилган эди. Кейинги зал жуда ҳашамдор бўлиб, кишида ғаройиб таасурот уйғотади. Хона безаклари ҳеч қандай қонунга бўйсинмасдан ўта нозиклик билан ишланган. Хонанинг фасади ҳеч қандай эътиборни тортмайди. Аммо ҳовлига чиқаверишдаги эшик юқориси бежирим соябонли айвонча қурилган. Ҳовли марказида оқ тош (мармар) дан ишланган ҳовуз ва фаввора ўрин олган. Саройда яна бир вагонни эслатувчи уйча бўлиб, амир шунда тахтга ўтириб Россияга борган. Сарой ёнида шинамгина боғ бор. Баъзи катта-кичик ҳовлилар ва боғ ҳам ҳали тугатилмаган. Сарой амир томонидан махсус муҳандис-курувчиларни жалб қилмасдан қурилган. Европа бинолари услубини ўрганган меъморлар саройни қуришда ушбу элементлардан фойдаланганлар. Бошқа хоналар бўйлаб айланишга вақтим етмади. Шунингдек, ҳавонинг очиқ бўлмаганлиги ҳам хоналарни кўришга имкон бермади”.

Юқоридаги сайёҳларнинг хотира дафтарларидан маълум бўлишича, Бухоро бозорларида ва амирларнинг саройларида турли давлатларнинг буюмлари сақланган бу эса ўз навбатида биз ўрганаётган тарихий ашёлар ўз даврининг асосли моддий манбаси эканлигини кўрсатади.

## **2-БОБ. БУХОРО МУЗЕЙИ ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШ МАНБАСИ.**

### **2.1. Ҳинди-Эрон ва Афғонистон буюмларининг умумий тавсифи.**

Шарқ мамлакатлари билан Бухоро амирлигининг доимий алоқалари ипак йўлидан ташқари, турли кичик савдо йўллари орқали амалда бўлган. Характерли жиҳати шундаки, Бухорода мис кандакорлиги ривожланган бўлсада, Шарқ давлатларидан ҳам айнан рўзғор-маиший буюмлари обдон, машраба, лаъли, хомпўш, тэрмос, офтоба, диний идишлардан чилкалит ва бошқа идишлар олиб келинган.

Кашмир, Ҳирот ва Қобулдан карвонлар кўпинча биргаликда кўшилиб келишган. Қобул ва Бухоро орасида қишда карвонлар қатнамаган. Чунки қишда қор йўлакларни тўлиқ ёпиб қўйган. Карвонлар баҳор ойи бошларида йўлга чиққан ва ёзнинг биринчи ойи ёки кузнинг бошларида етиб келган. Кичик савдо карвонлари орада келиб туришган. Асосан ушбу ўлкалардан шаляхъ ва ундан тайёрланган халат ҳамда саллалар, кам миқдордаги инглиз товарлари ҳам Қобул орқали Бухорога етиб келган. Бу маҳсулотлар Бухоро орқали Россияга ҳам этилган. Қобулдан келтириладиган асосий товар қобули бўёқлари бўлган (Бухородаги талабга кўра). Бу йўл билан барча ҳинд савдогарлари бўёқ, доривор ўсимликлар, ҳинд мануфактураси масалан, кисей олиб келишган. Туялар билан олиб бориладиган карвон йўли XVIII аср бошларидан доимий тус олган. Бухородан юқорида номлари саналган ўлкаларга пахта матолар, мерлушка ва рус товарлари олиб кетилган.<sup>1</sup>

Эрон, Афғон, Кавказ, Туркман ва Хитой гиламларининг ҳар бири хорижий мамлакатларга элтиш учун тайёрлангани сабабли уларда миллий анъаналарни ёрқин кўзга ташланадиган қилиб ишлашган. Масалан,

---

<sup>1</sup>Ханыковъ Н.В. Описание Бухарского ханства. С-Петербургъ.: 1843. С-173.

биргина XIX асрда тайёрланган Эрон гиламига форс шоири Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома” сидаги сюжет туширилган. Ушбу миниатюрада шоҳ Баҳромнинг шер билан олишуви ва сарой аҳлининг овдаги манзараси ажойиб ҳолатда тасвирланган. Гилам Эрон шаҳаншоҳи томонидан амир Абдулаҳадхонга совға қилинган. Эронда энг кўп тарқалган “Шоҳнома”дан лавҳалар бошқа буюмларга ҳам кўплаб ишланган. Эрон гиламлари орасида ён томонларига товук сурати туширилган XX аср бошига оид жойнамоз ҳам мавжуд. 1912 йилда ишланган Кавказ мактабига талукли арман гилам ҳам ўзининг сюжети билан ажралиб туради. Ўрта Осиёда босмахоналар вужудга келгунга қадар китоблар (асосан, диний) Қозон босмахоналарида нашр қирилган китоблар халқимизга хизмат қилган. 2000 га яқин тошбосма фонднинг елликдан зиёд китоблари айнан шу босмахоналарда нашр қилинган.

Туркман гиламларидан бири Ситораи Моҳи Ҳосса саройининг “Оқ уй”ига тўшалган бўлиб, “Қизил оёқ” қолин деб юритилади. Гилам вазни 350 килограммни, узунлиги 14 метрни ташкил этади. Ушбу гилам “Оқ уй” учун махсус ишланган<sup>1</sup>.

Музейнинг металл фондида сақланаётган “чилкалит” ( “қирқ калит”) номи билан аталадиган диний маросимларда ишлатиладиган буюмлар бўлиб, фол очиш ва афсун ишларида фойдаланилган. Уларнинг ички ва ташқи томонига Оллоҳнинг номлари асосан 6 тадан айлана ичига ёзилади ва ички қисмидаги бўртиб чиққан қадаҳ қисмига айланасига қирқта пластинка илдирилади (номи шундан олинган), уларнинг ҳар бирига диний оятлар битилган.

Ишлатилиш тартиби: қор ва ёмғир сувлари мис идишга тўпланади ва чилкалитга солинади. Асосан сариқ мисдан тайёрланган идиш ёвуз руҳларни ва зарар етказадиган жинларни ҳайдашда, ёмон кўздан асрашда ҳамда келажакни башорат қилишда фойдаланилган. Қурон суралари

---

<sup>1</sup>Жумаев Қ. Ситораи Моҳи Ҳосса. Б.:2010. Б-56.

идиш ичидаги сувга куч бағишлаган ва уни истеъмол қилган киши соғайган. фол очишда (бу маросим аجدодлар руҳи ерга тушадиган пайшанбадан жумага ўтар кечаси ўтказилган) идиш ичидаги кичик жомчанинг устига шам ёқиб қўйилади ва сув солинади. Сувга Қурон суралари ва турли белгилар битилган қоғоз парчалари солинади. Чилкалит ёрдамида фол очиш Наврўз байрами ёки йил тақвимига бориб тақалади. Бундай маросим идишлари Озарбайжон ва Эрон шиалари Муҳаррам ойида бўладиган Ашуро маросими ишлатилганлиги ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд. Диний қарашларга кўра, чилкалит ёрдамида инсон вафотидан сўнг унинг олдидаги жаннатга борадиган 40 та дарвоза очилган. Бепушт аёллар унинг суви орқали ўзларини поклашган ва фарзандли бўлишган. Умуман ушбу идиш инсонлар соғлигини асраш ҳамда уларга бахт келтиришда аҳоли томонидан маросим шаклида ишлатилган.

Чилкалитлар асосан Эрон чилангарлари томонидан ишлаб чиқарилган. XVIII аср охиридан бошлаб ушбу маросим идишлари Бухорода ҳам ишлаб чиқарила бошланади. Ҳозирда 31 дона чилкалит музей фондларида сақланмоқда.

Эрон ва Бобурийлар Ҳиндистонида кенг тарқалган ҳарбий анжомлардан бири “чоройна” (“тўрт ойна”) бўлиб, совутнинг (пўлат симлардан тўқилган) устидан кийиб олинади. Қўллар эркин ҳаракатланиши учун ён томонлари қўлтиқ қисми ярим айлана шаклда ишланган. Орқа ва олд томонининг юқори қисмида иккитадан тўртта илгич ўрнатилган бўлиб, уларга елка орқали тасма ўтказилади ва ҳимоя кийими шу орқали мустаҳкамланади. Атрофи ўсимликсимон безаклар ва Қурондаги суралар билан безалган.

Бухорога Машҳаддан йилига 3-4 марта карвонлар келган. Афғонистонда марказлашган давлат ташкил топгандан сўнг (1747) Амударё ёқалаб жойлашган ўзбеклар ва қадимдан Бухоронинг ажралмас

кисми бўлган Балх ҳудудлари учун муносабатларда кескинлик вужудга келади. Шундай бўлсада, аҳолининг доимий қариндошчилик ва чакана савдо ишлари давом этиб турган. XIX аср охири XX аср бошларида ушбу икки давлат ҳукмдорлари ўртасида қариндошчилик алоқалари йўлга қўйилгандан сўнг давлатлараро аҳолининг кўчиб юришлари рўй беради. Афғонистон ва Бухорони икки бир-бирига рақиб давлатлар мустамлакага айлантиришга уринишлари уларнинг муносабатларда эҳтиёткорлик билан иш кўришга мажбур қилди. Шунга қарамай афғон палослари, ковушлари, зардўзи кийимлари ва амир Шералихон ҳамда Абдурахмонхон даврида Қобулда зарб қилинган ўнга яқин кумуш тангалар Афғонистон тарихини ўрганишда муҳим тарихий ашёлар ҳисобланади. Булар Шаҳобиддин Шох Жаҳон ҳамда Амир Шералининг Қобулда зарб қилинган 1877, 1878 (ҳижри 1295) йиллардаги, 1864 ва Абдурахмоннинг 1919 йилги амирлик рупияларидир. Тангалар тўртбурчак, айлана шаклда ишланган. Иккитаси эса “маниста” деб юритилиб, тангалар муомаладан чиққандан сўнг тақинчоқ сифатида ишлатилганлигини уларнинг улама ҳалқасидан билишимиз мумкин. Бухоронинг Хўжа Убон маҳалласида “Ҳероти бой” ёки “Афғон савдогар” номи билан машҳур савдогар айнан афғон моллари савдоси билан шуғилланган<sup>1</sup>.

Ҳисордан асосан, XIX асрда халат ва турли матолар олиб келинган. Улар ўзининг чидамлилиги билан бошқа ҳудудларнинг матоларидан ажралиб турган. Кундалик турмушда Бухоро аёллари Ҳисор матоларини жуда қадрлашган.

Ҳозирда Ҳиндистоннинг Кашмир, Бомбей, Дехли ва бошқа вилоятларида тайёрланган 30 дан ортиқ металл буюмлар Бухоро музейида сақланмоқда. Шунингдек, бир қатор Лакнавада нашр қилинган XIX аср охири XX аср бошларига оид китоблар ҳам мавжуд. Ҳинд лалилари (8 та) оқ металлдан ишланганлиги билан ажралиб туради. Улар нозик ислимий

---

<sup>1</sup>Сухарева.О.А. Квртальная община позднефеодального города Бухары. М.: 1976. С-184.

безакларга бойлиги, ҳажми 58 смдан 19 смгача бўлган лаълилар зоморфик тасвирлари ва чидамлилиги билан маҳаллий усталар ишидан фарқланади. Уларнинг барчаси XX аср бошларида ишланган. Ҳинд куббапушлари йирик ҳажми билан такрорланмасдир. Машраба, тос, кадаҳ, гулдон каби буюмлар ҳам асосан Ҳиндистондан олиб келинган. Бобурийлар сулоласидан Шоҳ Жаҳоннинг 1039 ҳижрийда зарб қилинган кумуш тангаси ва 1909, 1912 йилги тангалар ҳам мавжуд<sup>1</sup>. Бухорода турли шойи матолар, зираворлар, майда тақинчоқлар, баъзан мис буюмлар лаъли, термос, тоз ҳам олиб келинган. Юқоридаги саналганларнинг савдоси билан Бухоролик ҳиндлар шуғулланишган. Ҳиндистонда ишланган 12717 рақами муҳрланган сариқ металлдан ишланган, гулларни қўйиш учун ваза. Баланд айлана тагликка ўрнатилган ваза ҳисобланади. Лакнау босмахонасида нашр қилинган Бобурийлар, Афғон амири Абдурахмон, Эрондаги Бахтиёрлар сулоласи тарихлари акс этган ва яна кўплаб тарихий адабиётлар мавжуд. Улар орқали ушбу мамлакатлар тарихини чуқур ўрганишимиз мумкин. Масалан, биргина “Тож ал-таворих” асари Афғон амири Абдурахмоннинг 1270-1281 ҳижрий (1853-1864 милодий) ҳукмронлик даврига бағишланган. Ушбу китобда воқеалар йилма-йил ва баъзан санама-сана баён этилган. Китобнинг XIX аср охири XX аср бошларига оид учта нашри қўлёзмалар фондида сақланмоқда. Бундан ташқари, ҳаждан қайтаётган зиёратчиларга ўзлари билан XVIII асрга оид “Макка тарихи” асарини ҳам олиб келишган. Унда Макка шаҳри ва Кабанинг бунёд этилиши тарихи баён этилган.

## **2.2. Ҳитой, Туркия ва Араб мамлакатлари тарихига оид ашёларни атрибуциялаш.**

Бухорода карвонсаройлар, одатда, ўртада катта ҳовли, атрофи бир-икки қаватли ҳужралар билан ўралиб, минорали қалъабанд истехком

---

<sup>1</sup>Инв. 7497, 7521, 7559.

шаклида бўлиб, савдо манзилларида ва шаҳардаги бозор, тим, тоқлар каторига қурилган. IX-XVIII асрларда шаҳарларнинг ўсиши ва қарвон савдосининг кучайиши натижасида қарвонсаройлар кўплаб бунёд этилган. Араб сайёҳлари Истаҳрий ва ибн Хавқалларнинг маълумотига кўра, X асрда савдо маркази ҳисобланган Мовароуннаҳрда 10 мингдан ортиқ қарвонсаройлар бўлганлиги манбаларда учрайди.

Қарвонсаройлар савдогарлар учун вақтинчалик яшаш маскани бўлса, шу ерлик маҳаллий аҳоли учун эса тирикчилик манбаи ҳисобланган. Қарвонсаройлар нафақат истиқоматгоҳ, балки ўзига хос савдо мажмуалари эди. Қарвонсаройларнинг барпо этилиши бевосита йирик давлатлар пайдо бўлиши ва улар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий алоқаларнинг йўлга қўйилгани билан боғлиқдир. Давлатларнинг бордикелди алоқалари бошлангач, чет эл вакилларининг истиқомат қилиши, дам олиши, савдо эҳтиёжларини қондириши зарурати бундай иншоотлар қурилишига замин ҳозирлаган. Бухоронинг X аср тарихчи Наршахий ўзининг “Тарихи Бухоро” асарида ҳукмдор Исмоил Сомоний шаҳарнинг Самарқанд дарвозаси атрофида бир неча қарвонсаройлар қурилганлиги, улар шаҳар ривожига беқиёс ҳисса қўшганлигини таъкидлайди.

Қарвонсаройлар ўрта асрлар савдо муносабатларини яхши йўлга қўйишда муҳим омил бўлиб хизмат қилган. Сабаби, қайси шаҳарда қарвонсаройлар кўп ва хўп қурилган бўлса, ўша ерга савдогар тижоратчилар келган ва савдо ишларини амалга оширган.

XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Бухорода қарвонсаройлар қурилиши кучайиб, XIX аср охири, XX аср бошларида Бухоро шаҳрининг марказий бозори атрофида 4 та яна қарвонсарой қурилган. 1820 йилда Бухорога савдо ишлари билан келган рус савдогари ўша даврларда бу ерда 13 та ғиштин қарвонсаройлар бўлганлигидан гувоҳлик беради. 1840-1842 йилларда Бухорога келган Н.Хаников

шаҳарда жами 38 карвонсарой бўлиб, шундан 24 таси пишиқ ғиштдан, 14 таси ёғочдан қурилганлигини ёзиб қолдиради.

Бухоро карвонсаройларнинг қурилиши оддий бўлиб, жуда кам ҳолларда икки қаватли бинолардан иборат бўлган. Аммо барча карвонсаройлар атрофи деворлар билан ўраб олинган, савдогарлар ўз савдо юклари ва от-уловларини шу ерда сақлаганлар.

XX аср бошларида Бухородаги жами карвонсаройлар сони 70 дан ортиқ бўлган. Жаннат-Макон карвонсаройи, Домли Шер карвонсаройи, Ҳаким Ойим карвонсаройи, Хожа Калон карвонсаройи, Қушбеги ёки Қози калон карвонсаройи, Сандиқсозлар карвонсаройи, Бадриддин карвонсаройи, Рашид карвонсаройи, Жўрабек карвонсаройи, Рашид карвонсаройи, Ҳиндулар карвонсаройи, Нўғай карвонсаройи, Улуғбек карвонсаройи, Тамаки карвонсаройи ва бошқалар шулар жумласидандир.

Шунингдек, Бухорода қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан савдо қилувчи карвонсаройлар бўлган. Буларга Майиз карвонсаройи, Ғалла карвонсаройи, Зиғир карвонсаройи, Анор карвонсаройи, Ғўза карвонсаройи, Жун карвонсаройи, Сабзи карвонсаройи, Ғўлин карвонсаройи, Анжир карвонсаройи, Тароша карвонсаройи, Гуруч карвонсаройларини мисол келтириш мумкин.

Бухоро карвонсаройлари ҳамма даврларда ҳам давлат ва шаҳарлар ривожини таъминловчи муҳим восита бўлиб хизмат қилган. Шунингдек, карвонсаройга эга бўлган амалдорлар шаҳарнинг бой кишилари саналган. Мисол учун, Убайдуллахожа карвонсаройининг бир кунлик даромади 15 минг рублни ташкил этган. Амирликнинг Нўғар карвонсаройида Кори Исмаккалла судхўрлик билан шуғулланиб, унинг бир кунлик тушуми 1000 рублга етган. Бу карвонсаройда 30 та савдогар жойлашган. Ҳар бир хужарнинг ўз хўжайини бўлган. Карвонсаройнинг бир кунлик даромади эса тахминан 5000 рублни ташкил этган.

Гуломжон карвонсаройига бир неча Муқимовлар эгалик қилишган. Карвонсарой савдосида чой маҳсулоти муҳим ўрин тутиб, у Афғонистон ва Хитой ўлкаларидан келтирилган. Пахта карвонсаройи ёғочдан қурилган бўлиб, бир қаватли қурилган ва айвонига ҳам эга. Бу ерда пахталарни ўлчаш унинг 14 жуфт тарози қўйилган. 40 та ўлчов паллалари усти пиллалар билан банд бўлиб, 150 та юк ташувчилар хизматга ҳозир у нозир туришган.

Пашм карвонсаройи эса амир томонидан Абулвахаб Самибой ва Абдуқаюм Самибойларга ижарага берилган. Уларга олти нафар ўлчовчилар ёрдамлашиб, матоларни ўлчаш ва уларнинг савдосини амалга оширишган.

Эътиборлиси, оммавий савдо ҳудудлари ва карвонсарой бошлиқларининг табиблар учун ажратилган махсус жойлари бўлган. Табиблар ўзларининг беморларини қабул қилиш учун карвонсаройлар билан бевосита ҳамкорлик қилиб туришган. Мирзо Гул, Қози-калон ва бошқа карвонсаройлар шулар жумласидандир.

Тарихда карвонсаройлар савдони жонлантириш, тижоратни ривожлантирувчи муҳим марказлар сифатида донг таратган. Халқлар у ерлардан нафақат мол айийборлаш ё савдо қилиш, балки, маданиятлар алмашинувини адо этишган.

Карвонсаройлар бора-бора Буюк ипак йўли савдосининг пасайиши, темир йўл ва бошқа замонавий транспорт ривожланиши натижасида ўз аҳамиятини йўқотган.

Ўрта Осиёнинг шарқида жойлашган мамлакатлар Хитой ва Япония билан иқтисодий-маданий алоқалари қадимги даврлардан мавжуд бўлган. Бу жараён айниқса, Буюк ипак йўли ривожланиши билан боғлиқ. Ипак йўли орқали Хитойнинг машҳур чинни (Чин – ўрта аср турли манбаларида Хитой шундай аталган) буюмлари олиб келинган ва Ўрта

Осиё орқали Ғарбга тарқалган. Бугунги кунда Бухоро музейларида XVII-XХ аср бошларига оид 300 дан ортиқ чинни идишлар мавжуд.

Хитойдан келаётган карвонлар Қошғар ва Ёркентнинг карвонлари билан биргаликда келишган. Улар Қўқон ва Тошкент шаҳарлари орқали ўтишган. Карвонлар ёз бошида ва куз охирида етиб келишган. Ушбу карвонда асосан Хитой товарлари олиб келинган. Қўқондан доимий кичик карвонлар келишган. Келтириладиган товарлар чой, чинни идишлар, кам миқдорда Хитой ва Қўқон ипак матолари ва Россиянинг темир, пўлат, чўян маҳсулотлар олиб келинган. Охирида саналганлар асосан Тошкентдан келтирилган. Сибир йўналишига яқинлиги уларга вақтдан ютишда кўл келган. Хитой, Қошғар, Ёркентга Бухородан бўёк олинадиган ўсимлик ва пахта матолар олиб кетилган<sup>1</sup>.

Бухоро музейларининг бойликлари Рус музейларидан фарқли асосан Хитойнинг чинни идишлари билан тўлдирилган (рус музейларида эса асосан Хитойнинг рассомлар ижодидан намуналар келтирилади). Ҳозирда Ситораи Моҳи Хосса музейида намойиш этилаётган “Хитой чиннилари” кўргазмаси илк мартаба 1937-38 йилларда санъатшунослар П.А.Гончарова ва Л.И.Ремпел томонидан 320 та турли экспонатлар билан ташкил этилган эди (саройда Япон ва Хитой чиннилари амирлар даврида ҳам сақланган). Хитой чиннилари илк ўрта асрлардан ҳозирги таркибда ишланадиган бўлди. Чинниларнинг сирланиши Цин сулоласи даврида янада тараққий этди. Айти шу даврдан бошлаб чиннилар оилалага бўлинадиган бўлди. **“Яшил оила”** гуруҳига кирувчи чиннилар майсали ва яшил рангли бўёқларнинг устунлиги билан ажралиб туради. Ушбу даврда **“сарик оила”** ҳам ривожлана бошлади. Бунда чинниларнинг юзаси тўла сарик рангда бўялади. “Қора кўзгу” – идиш қора сир билан қопланади, устидан зарҳал нақш туширилади. “Буқа қони” чиннини “шин” деб номланган қизил сир билан сирланади. Сирни тайёрлашда ўнта

---

<sup>1</sup>Ханыковъ Н.В. Описание Бухарского ханства. С-Петербургъ.: 1843. С-176.

мадандан фойдаланилади. Кейинчалик ушбу услуб давом эттирилмаганлиги учун унитилган. Ўзбекистон Санъат музейида ҳозирда 350 та Хитой чиннилари сақлаб келинмоқда<sup>1</sup>.

Бухорода Хитой савдогарлари аксарият ҳолларда ўзлари келтирган мушк, чинни, турли сувинерлар, рамзий темир ва суюқдан тайёрланган кам миқдордаги буюмларини ўзлари сотиш билан шуғулланишган (аммо манбаларда уларнинг алоҳида расталари бўлганлиги ҳақида айтилмаган). Хитой чиннисозлигида безак сюжети ҳамда маҳсулот шакли доим бири-бирига боғлиқ бўлган ҳолда ишланган. Музейдаги “қора кўзгу” услубидаги гулдон ойна каби сирланган бўлиб, энди очилаётган ва қийғоз очилган қизил гул танаси билан тасвирланган. Шунингдек, оч сариқ ва бинафша ранглари ҳам тасвирларда ишлатилган. Ушбу тасвир ва ранглари сюжетнинг мукамаллигини таъминлаган. “Оқ оила”га мансуб бежирим гулдонда эса икки турдаги гул ва бамбук таналари тасвирланган бўлиб, қизил, сариқ, кўк ва пушти ранглари ишлатилган. Икки ён томонида шернинг ярим боши ва оғзига айлана дастак ёпиштирилган. Гулдоннинг бўйин қисмида балан сариқ рангда капалак тасвири ишланган. Ушбу гулдонда умумий мавзу баҳорга бағишланган. Хитой чиннилари асосан медалионсиз, яъни бирор-бир мавзусиз ишланмаган. Олти бурчакли йирик гулдон ўзида турли мавзуларни акс эттирганлиги билан ажралиб туради. Тасвирларда инсон (аммо хитойлик эмас) кийик, турли денгиз қушлари, илон тасвирлари туширилган. Кўза ва гулдонлар ҳажмига монанд тўрт ёки учта медалионли қисмдан иборат бўлган. Баъзан бутун юзани ягона тасвир ўраб олган. Бу ҳолат асосан, Япон кўзаларига хос хусусиятдир. Хитой чинниларида маданий ўзига хослик билан бир вақтда савдо олиб бориладиган ўлкаларнинг маданий жиҳатлари ҳам инобатга олинган. Масалан, Ҳинд мавзусига бағишланган товуслар акс эттирилган йирик гулдон ҳозирда музейда сақланмоқда. Бир неча кўзаларда хона

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Санъат музейида Хитой чиннилари.// Мозийдан садо//. №2, 2012. Б – 9-10.

интерери тасвирланган. Хонадаги ҳар бир детал ойна, марказдаги йирик гулдон, турли буюмлар учун идиш, кичик сандиқчалар, стол оддий кўринишда ишланган.

Хитой маданиятида рамзий мазмундаги предметларни тасвирлаш оммалашган. Лента билан ўралган буюм, кийик шоҳи, маржон тизими, тагликка қўйилган исириқдон ва соатлар – файласуфларга тегишли тасвир ва буюмлар ҳисобланади. Безакларда мазкур предметларнинг тасвири олимлик рамзи ҳисобланган. Сарик аждар тасвирда – ҳукмдорлик рамзи, оқ йўлбарс (Байху), тошбоқа ва илоннинг аралаш тасвири, қизил рангли қакнус (Чиняо) ёвуз кучлардан ҳимоя қилувчи белгилардир. Ўзларига уя кураётган қушлар, бир жуфт балиқ ёки тўдаси, рақс тушаётган турна оила фаровонлиги рамзи, парвоз қилаётган жуфт капалак тасвири ўсимликларнинг муҳаббатини ифодалайди. Аждар ва Қакнуснинг ўйини янги ҳаёт бошланишини билдиради. Музейда кўзалардан ташқари, чинни чойнак, пиёла, мевадон ва товоқлар ҳам мавжуд. Сарик фонли нозик пиёлаларда аждан ва версачи тасвирлари ишланган. Ушбу тасвир мазмуни юқорида айтиб ўтилди. Яна бир чинни товоқнинг ички айланасида саккизта алоҳида предмет (мактублар ўрами, совға?(китоблар тўплами), гул ўстирилаётган икки хил кўринишдаги тувак, гулдон учун таглик, бир жуфт шамдон, яна иккита предмет), медалион марказида йирик ингичка бўйинли гулдон ўнг томонида стол устида перо солинган кўза, чап томонида одат бўйича дастасиз ханжар, атрофда жуфт олмалар тасвирланган. Кичик оёқли чойнакда анъанавий Хитой пагодаларининг тасвирини учратиш мумкин. Идишларнинг кўпчилик безаклари бўртма услубда ишланган. Музейда Хитойда ишланган Будданинг мраммрдан ишланган ҳайкалчаси бўлиб, жуда оғир қилиб ишланган.

Музей фондида Хитой гилами ҳам мавжуд бўлиб, унинг марказида афсонавий “Ин” ва “Ян” - “Эркак ва Аёл”, “Ҳаёт ва Ўлим” рамзлари тасвирланган. Қадимдан Хитой чинни буюмлари ва Эроннинг фаянс

идишлари турли ўлкаларга тарқалган. XVIII аср иккинчи ярмидан Европа маҳсулотлари ва уларнинг асосини ташкил этадиган рус идишлари Ўрта Осиёга кириб кела бошлади. Уларнинг ораси жуда яхши эмалланган маёликали фарфор ва фаянслар маҳаллий сопол буюмлардан анча нафис ва чидамли ҳисобланган. Урнинг дастлабки намуналари Бухоро шаҳридан топилган. Уларнинг ҳам кўпчилиги Арк қалъасидан топилган<sup>1</sup>. Ушбу топилмаларнинг ичида Императорга тегишли фарфор заводи ва Гарднер заводларининг маҳсулотлари анчагина. Рус фарфорлари Хитой анъанавий чиннилари билан нарх жиҳатдан доимий конкуренцияда бўлган. Шунингдек, уларнинг образлантириш услублари ҳам ажралиб турган.

Араб халифалиги тугатилгандан сўнг бутун ислом дунёсига раҳнамолик Туркия султонлари кўлига ўтади. Тадқиқот давомида Туркиядан келтирилган 30 дан орлиқ турли буюмларурганилди. Ҳижрий 1210, 1293, 1327 йилларда зарб қилинган кумуш лиралар<sup>2</sup>; сариқ ва қизил мисдан тайёрланган иккита лаъли; дастшўй ва кичкина сув идишлар мавжуд. Ушбу ашёлар барчаси XIX асрнинг турли даврларига таълуқлидир. Шунингдек, 1919 йилда нашр қилинган Осиё ва Африка хариталари<sup>3</sup> ҳам яхши сақланган.

Араб давлатлари билан Бухоро амирлари жуда яхши муносабатларда бўлишган. Юқорида амир Абдулаҳадхоннинг Макка ва Мадина шаҳарларига ажратган маблағлари ҳақида келтириб ўтилган эди. Ушбу муносабат билан амирга “кабапўш” совға қилинади. Ушбу кабапўш муқаддас қоратошни ўраб турган бинонинг кириш эшигини ёпиб турган ва Қуръонни биринчи фатҳ (очувчи) суръаси зар иплар билан битилган. Абдулаҳадхон даврида кабапўш ҳозирда мавжуд бўлмаган Шербудин

---

<sup>1</sup>Мирзаахмедов Д.К, Ахроров И.А. Привозная европейская посуда по материалам бухарских комплексов второй половины XVIII – середины XIX в. История материальной культуры Узбекистана. Выпуск 20. Т.: 1986. С -173.

<sup>2</sup>Инв. 7481, 7482, 7483, 7517, 7519.

<sup>3</sup>Инв. 32163, 32164.

саройини беаган. Ҳозирда музейнинг эпиграфика кўрғазмасида намоиш этилмоқда.

Мадинадан хажга борган зиёратчилар олиб келган иккита обдон мавжуд бўлиб, уларда “оби зам-зам” сақланган. Ушбу идиш ва ундаги сув доимо меҳмонхоналаринг тўрида жойлашган меҳроб ёки унинг тоқчаларида сақланган. Инсонлар бирор касалга учрасалар ушбу сувдан истеъмол қилишган. Ёки хажни амалга оширганлар “оби зам-зам”дан барчани баҳраманд қилишган. Замзам номи бошқа бирор маънодан олиниб унга ном бўлиб қолган эмас. Истилоҳда эса замзам деганда Масжидул ҳаромдаги машҳур қудуқдан олинадиган сув тушунилади. Каъба ва замзам қудуғи орасидаги масофа 21 метрдир. Замзам қачон пайдо бўлган? Ҳожар онамиз ёш гўдаги Исмоил (алайҳиссалом) билан чўлу биёбонда сувсиз ва озуқасиз қолган вақтда Сафо тепалигига чиқиб ўғли Исмоилга Аллоҳ таолодан сув етказишни сўраб дуо қилади. Сўнгра ундан тушиб Марва тепалигига йўл олади ва унинг устига чиқиб дуо қилади. Етти марта иккаласи орасида шундай ҳаракат қилади. Шунда Аллоҳ таоло Жаброил (алайҳиссалом)ни юборади ва у замзам қудуғи ўрнини ишқайди ва ўша жойдан сув отилиб чиқади, яъни замзам қудуғи пайдо бўлади. Замзам қудуғи халифа Муътасимнинг давригача усти очик бўлган. Кейинроқ усти ёпилган. Аббосийлар халифалиги даврида Замзам суви қудуқдан тортиб олиниб усти очик ҳовузларга қуйиладиган бўлган. Кейинчалик сув сақланадиган омборларга жўмрақлар ўрнатилган ва замзам одамларга мешкобларда тарқатилган. Ҳижрий 1377 йилда тавоф қилувчиларга қулайлик туғдириш мақсадида Замзам қудуғи устига қурилган бино пастга олинган ва унинг устидан ҳам тавоф қилиш йўлга қўйилган. Ҳижрий 1399 йилда Замзам қудуғининг чуқурлиги ўн саккиз метр олтмиш сантиметр бўлган. Ҳижрий 1383 йилдан бошлаб замзамни моторда тортиб олиш йўлга қўйилган. Ҳозирда Марва тепалигининг остида замзамни тўплайдиган ва уни совутадиган марказ ташкил

қилинган. Совутиш учун замзамнинг ўзидан қилинган муз қўшилади. Замзам сувидан миллионлаб ҳожилар ва умрачилар олиб кетишади ҳамда доимий равишда Мадинаи мунаввара ва Саудиянинг бошқа шаҳарларига тўхтовсиз равишда ташиб турилади. Уламолар кичкина бир қудукдан шунчалик кўп сув чиқиб туришининг ўзи ҳам катта мўъжизадир – дейдилар. Замзамнинг қандай фазилатлари бор? Имом Табароний Абдуллоҳ ибн Аббос (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам): «Ер юзидаги энг яхши сув замзам сувидир. Унда очга таом, касалга шифо бордир», - деганлар. Яъни эзгу ният билан ичилган замзам очликдан тўсганидек, турли касалликларга ҳам шифо бўлади. Аллоҳ таоло замзам сувини Исмоил (алайҳиссалом)га ва у зотнинг оналарига таом ва ичимлик қилиб берган. Шунга кўра бу сувда ана шу хусусият бор. Бунга Абу Зар Гифорий (розияллоҳу анҳу)нинг Маккада бир ой бирор озуқасиз фақат замзам ичиб яшаганлари далил сифатида ривоят қилинган. Бағдоддан олиб келинган дастаксиз машрабалар, обдасталар асосан дастаксиз қолиб ишланган ва ундан сув қуяётган киши бировга ўзини ҳурматини билдирган. Арабистондан олиб келинган ипакдан зар иплар билан тўқилган аёллар кўйлаги, халифа Абул Сайфуддин Абу Бакр бин Аюбнинг (596-615) кумуш тангаси<sup>1</sup> ва жуда кўплаб диний китоблар келтирилган.

---

<sup>1</sup>Инв.7462.

### **3-БОБ. БУХОРО МУЗЕЙИДАГИ ҒАРБ МАНУФАКТУРАСИ ДУРДОНАЛАРИ.**

#### **3.1. Россия билан алоқаларнинг устун жиҳатларини намоён этувчи экспонатлар.**

Бухоро давлат музей-қўриқхонаси нафақат маҳаллий-тарихий ашёлари билан балки, Франция, Полша, Германия, Венгрия, Италия, Россия, Япония, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Арабистон, Миср, Туркия, Кавказorti, Афғонистон ва Марказий Осиё давлатларидан турли тарихий даврларда савдо-сотик, совға, буюртма ва бошқа мақсадларда келтирилган буюмлари билан ҳам дунёга машҳур. Булар орасида хорижий мамлакатлардан (асосан, савдо орқали) келтирилган буюмлар алоҳида қимматга эга. Хитойнинг 200 дан ортиқ чинни буюмлар коллекцияси, Европанинг 100 дан ортиқ тақинчоқлар коллекцияси, Эрон ва Ҳиндистоннинг 200 га яқин мис буюмлар коллекцияси, Туркия ва Россиянинг босма ва қўлёзма китоблар тўплами доимо тадқиқодчилар эътиборини тортиб келмоқда.

XVIII асрдан бошлаб Бухоро амирларининг Эрон билан доимий можароли ҳолатлари жануб билан алоқаларни секинлашувига сабаб бўлди. Айни вақтда ушбу жараён Туркия билан ҳам алоқаларда узилишлар пайда бўлишига олиб келди. Ҳиндистоннинг эса мустамлакачи ингиллизлар билан курашлари ва ҳинд товарларининг океан ва денгиз йўллари орқали Европага олиб кетилиши Шарқнинг ўрта қисмига, яъни Бухорога ҳинд буюмларининг оқимини секинлаштирди. Хитойнинг Мин сулоласи дастлаб йирик босқинчилик сиёсатини олиб боради. Шунинг учун Қўқон хонлиги билан Шарқий Туркистон устида (ўрта асрларда ушбу ҳудуд Хитой билан савдода аосий транзит вазифасини бажарган) бўлиб ўтган можаролар маълум муддат савдо ишларининг оқсашига сабаб бўлади.

Юқоридаги омиллар туфайли Бухоро шимол билан алоқаларни ривожлантиришга ҳаракат қилди. Бу даврда Россияда ҳам мануфактура ривожланиш босқичига (саноатлашиш Европа давлатларига нисбатан секин бўлсада) кирган эди. Айнан шундай жараён бу икки давлат ўртасида алоқаларни турли томонлама ривожланишига туртки бўлди.

Хаников ўзининг асарида Бухоро ва Россия савдо ишларининг ривожланишини қуйидагича изоҳлайди:

“Россия билан савдо алоқалари қадимдан бўлганлиги, айти дамдаги аҳамияти ва заруриятдан келиб чиқиб ҳар томонлама биринчи ўринда бўлиши керак”.<sup>1</sup>

Россия билан савдо ишлари учта Оренбург ва битта Сибир йўналиши орқали олиб борилган. Савдода асосан пахта матолар, қуритилган мева, гуруч, рангли ипаклар, рангланган ва рангсиз бўзлар, ипак, ярим ипак ва пахта кийимлар, Оренбург йўлида машҳур бўлган дўппилар, ипак белбоғлар, феруза тошлар, катта рўмоллар, мўйна ва бошқалар Бухородан этилган. Шуларнинг ичидан пахта матолар биринчи ўринда турган. Россиянинг шарқий минтақаларида мануфактура ўсиши билан буларга талаб янада ошди. Россия билан савдода ҳар йили 5 ёки 6 минг туяда товарлар этилган. Ҳар бир туяга 18-20 пуд юк ортилган ва уларнинг ҳар бири 60 червонга баҳоланган. Жами бир йилда 3,5-4 млн.га баҳоланган товарлар Бухородан Россияга этилган<sup>2</sup>.

Музейнинг металл фондида Россиянинг турли ҳудудларида ишлаб чиқарилган 40 га яқин самоварлар тўплами мавжуд. XIX асрдаёқ рус тилининг изоҳли луғатида - самовар сўзи – (сам-ўзи, варить-қайнатмоқ) сувни қайнатиш учун сувхонали ва ўтхонали идиш маъносида ишлатилган – деб кўрсатилган. Самоворлар тарихи икки ярим аср олдиндан бошланади. Қадимда Хитой, Эрон, Озарбайжон,

---

<sup>1</sup>Ханыковъ Н.В. Описание Бухарского ханства. С-Петербургъ.: 1843. С-165.

<sup>2</sup>Ўша асар. С-171.

Ҳиндистон(Кашмир) ва Ўрта Осиё ҳудудларида самоварлар тайёрланган. Тула ёхуд рус самоворларини илмий ўрганиш XIX аср охири XX аср бошларидан бошланди. Бу борада В.Борисов, М.Госберг, Н.Б. Бакланов, Е.Н.Дмитриева, Е.Иванова, Е.Иванова, А.Тихоноваларнинг металлургия ривожини ва самоворлар тарихига оид наширлари чоп этилган<sup>1</sup>. Шунингдек, бир қатор рус музейларининг каталоглари эълон қилинди<sup>2</sup>. Ҳозирги кун металлшунос тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, металл қуйиш жумладан, фабрика самоварларини ишлаб чиқариш Россияда Пётр I даврида вужудга келган. Бу даврда Уралда бир қатор металлургия (жумладан, мис қуйиш) фабрикалари ишлай бошлади. Айнан Уралдаги самовар ишлаб чиқариш технологияси бошқа ҳудудлардаги заводлар учун намуна бўлди. Тула XVII асрдан бошлаб металл ишлаб чиқариш марказига айланди. Бу ерда биринчи навбатда қурулларни тайёрлаш ривожланди. Айнан мис буюмлардан самоварлар тайёрлаш ҳунармандчиликнинг асосий турига айланди. Қурул-аслаҳа ишлаб чиқариш заводи ишини Иван Феадорович Лисицин мисдан буюмлар тайёрлаш билан давом эттирди. Музейда ушбу фабрикада 1810 йилда ишланган 1467/3 инвентар рақамли самовар сақланади. Унда форс тилида:

”واقفُ این سماور عالی حاجی یعقوب مسکُر الحال استهو الله تعالی وقفُ خاص این تکیه  
خانه مبارک است هجری 1310 متولی بضبط و حفظش انکه این تکیه را صد سال است“

ҳижрий 1310 (милодий 1892-93) йилда тайёрланганидан 100 йил ўтиб Хожа Ёқуб мисгар вақф қилиб тақияхонага берганлиги ҳақидаги маълумот сақланган. У антик ваза услубида ишланган. Ушбу самовор Нижегород ярмаркаси (бу ерда Лисицинларнинг алоҳида самоворлар

<sup>1</sup>Борисов В. Наводильно-самоварный промысел. В к.: Труды комиссии по исследованию кустарной промышленности России. – СПб., 1881, вып. 7; Госберг М. Самоварное производство. – Вкн.: По тульскому краю. Тула., 1925; Иванова Е. Русские самовары. Ленинград.: 1925.

<sup>2</sup>Каталог выставки «Русский самовар» (филиал ГИМ). М., 1970; Каталог выставки «Русские самовары XVIII – начала XX в. из фондов отдела истории русской культуры Гос. Эрмитажа». Л.: 1976.

растаси бўлган) орқали Бухорога етиб келган. Лисицинлар шарқда кадрланидиган шар кўринишини ўз самоворларига олиб киришган ва улар “форсий самоворлар” деб юритилган. Шунингдек, музейда сақланаётган самоварлар Баташевлар, Воронсов, Капирзин, Тейле, Шемаринлар, Горнин, Аленчиков ва Зимин, Калчугин ва бошқа фабрикаларда ишлаб чиқарилган. Уларнинг хронологик чегараси кейинги 200 йилликни ўз ичига олади. Ишлаб чиқарувчининг исми асосан самоварларнинг қопқоғида жойлашган. Масалан, музейда 25022/20 инвентар рақамидаги самоварнинг қопқоғида “Н.И. Баташевъ въ Туле” ёзуви мавжуд. Шунингдек, унда 6 та муҳр бўлиб, уларда фабриканинг 1825 йилдан 1909 йилгача бўлган даврдаги кўргазмалари акс еттирилган. XIX аср биринчи ярмида ташкил топган машхур заводлардан бирига Василий ва Иван Ломовлар томонидан асос солинган. Бу заводда асосан, шаҳарлик ишчилар меҳнат қилишган. XIX асрнинг 20-йилларига келиб ака-ука Ломовлар 1000-1200 тагача самовар ишлаб чиқаришди ва уларни нафақат Тулада, балки Нижнигород ва Ирбит ярмаркаларида, ҳатто денгизорти мамлакатларига ҳам экспорт қилишган. Ўрта Осиёлик (хусусан, бухоролик) савдогарлар юқорида номи келтирилган ярмаркалардан турли буюмлар қаторида самоварларни ҳам харид қилишган. XIX аср ўрталарига келиб Россияда бир нечта янги самовар фабрикалари ташкил етилди. Улардан энг йириги Николай Маликовга тегишли эди. У самоварларни қадимги юнон вазалари кўринишида ишлаган. Бу даврда Россияда “неогрек” услубида буюмларни ишлаш одат тусига киради. Айнан Маликов янги услубни самоварларга олиб кирди. Самоварлар яхлит ва ихчам бўлиб, антик ваза – ясси, оғиз қисми торайган, мустаҳкам дастали, оғиз ва пастги қисми бураладиган қилиб ишланган.

1808 йилга келиб Тулада 8 та самовар фабрикаси бўлган бўлса, 1896 йилга келиб уларнинг сони 70 тага етди. Туланинг самовар ишлаб чиқарувчи энг машхур фабрикантлари: Баташевлар, Воронсов, Тейле, Горнин ва бошқалар ҳисобланади. XIX аср ўрталаридан бошлаб самоварларга кумуш ишлатиш бошланди. Улар ҳатто қироллар оиласига ҳам кириб борди. Кумуш қопламали (галваник) самоворларни асосан К.Й. Петс фабрикаси ишлаб чиқарган. Ушбу фабрика ишиларидан бири – ноёб самовар юза қисми кумушдан ишланган бўлиб, у лали, чойнак ва шакардон билан бир бутунликни ташкил этади. 1840 йиллардан бошлаб Россияга “иккинчи рококо” даври бошланди. Бу услуб безакларга бой ва жуда ҳашамдорлиги билан ажралиб туради. “Иккинчи рококо” услубидаги самоворларни Петс ишлаб чиқара бошлади. Бунда асосан дастаси, юза қисми, жўмраги чизиқли, гажак ва рангли қилиб ишланади. XX аср бошларида керосин билан ишлайдиган ва янгича кўриниш касб этган самоворларни Берта Тейле фабрикаси ишлаб чиқара бошлади. Коллекцияда 11339/3 инвентар рақамли самовор айнан шу услубда ишланган.

Самоварлар турлича ишланган бўлиб, улар банка, қадах, шар, тўртбурчак, ваза шаклида, шунингдек, тухумсимон, қоринсимон, ноксимон, шолғомсимон ва бошқа кўринишларга эга. Улар нафақат шакли, балки турли металл ва қоришмалардан ишланганлиги билан ҳам бир-биридан ажралиб туради. Масалан, самоварларни тайёрлашда кизил мис (коллекциянинг катта қисмини ташкил этади), жез, томпак, оқ металл, кумуш қопламали галваник – мисдан ишланган ва юза қисми кумуш билан қопланган ёки никел кабилар ишлатилган.

Самоварлар ўзида жуда кўп маълумотни сақлаб қолган. Масалан, Баташевлар фабрикасида 1898 йил 10 апрелда ишланган ваза кўринишидаги самоварда 12 та муҳр мавжуд. Яна бир банка кўринишидаги мисдан ишланган самоварда эса жами 10 та муҳр бўлиб,

муҳрлар олтин, кумуш, бронзадан ишланган ва улар турли кўргазмаларда намойиш этилган, масалан: 1870 йилда кумушдан ишланган олд томонида Бутун Россия императори Александр II сурати орқа томонида ака-ука Баташевлар ёзуви, яна бир муҳрда Колумбнинг сурати, орқа ва олд томонида лотин ҳарфлари билан унинг исми ёзилган. Муҳрлар асосан, самоварларнинг олд томонига туширилган бўлади. Музейда 13053/3 инвентар рақами остида сақланаётган самоварда айнан Ўрта Осиё кўргазмаси учун 1891 йилда ишлаб чиқарилганли ҳақидаги ёзув мавжуд. Ушбу самовар Аленчиков ва Зиминлар томонидан Москвада тайёрланган. У цилиндр шаклида бўлиб, оёқлари (4 та) зина кўринишида ишланган. Дастаси ва қопқоқ қисмидаги ушлагичлар ёғочдан ишланган. Сайёҳларга намойиш этилаётган энг кичик самовар Туладаги ака-ука Сомовихлар фабрикасида тайёрланган. У ваза шаклида ишланган бўлиб, баландлиги 29 смни ташкил этади. Тадқиқотимиз давомида Бухоро музейида мавжуд самоворлар рус самоварларидан ҳажми йириклиги жиҳатидан фарқланиши аниқланди. Бунга сабаб Ўрта Осиёда самоворлар жамоатчилиқ эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилган. Масалан улардан масжидларда, маросим вақтларида, шунингдек, кўп болали катта оилаларда кундалиқ турмушда фойдаланишган. Россиянинг турли ҳудудларида эса самоворлар ошхонада, ўзи билан олиб юришда, кофе тайёрлашда, дўконларда, сувни иссиқ сақлаш (термос) каби вазифаларни бажаришига кўра ҳажми йирик бўлишига эҳтиёж бўлмаган. Хулоса қиладиган бўлсак, Ўрта Осиё (хусусан Бухоро)га келтирилган самоварлар айнан шу ҳудуд учун мосланган эди. Ҳозирда музей-кўриқхонадаги самоварларнинг аксарияти сайёҳларга намойиш қилинган. Улар доимий равишда хорижликларни ўзига жалб қилиб келмоқда. Амалий санъат наъмуналари бўлган ушбу буюмлар ўз даврида инсонлар кундалиқ ҳаётининг ажралмас қисми бўлган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухоро аҳолисида Россиядан келтирилган чинни, фаянс ва ойналар оммалашди. Бухоро бозорига чиннини асосий етказиб берувчилар – Ф.Гарднер, М.С.Кузнетсова, А.Й.Орловларнинг хусусий заводлари бўлиб, улар Москва ва Подмосков, Твер ва Ригада жойлашган эди. Шарқий бозорлар учун аҳолининг бадиий маданияти ҳисобга олинган ҳолда буюмлар ўсимлик ва геометрик расмлар билан ёруғ рангларда безалган.

Россия ва унга ёндош ўлкалар билан турли кўринишдаги муносабатлар XIX асрдан жиддий ва тажовузкор тус олганлиги сабабли ҳарбий қуроолларни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш кенгайди. Бухоро музейида ҳозирда кўпчилиги XIX аср ва XX аср бошларига тегишли 400 дан ортиқ турли мамлакатлардан келтирилган Бухоро амирлигида қўлланилган совуқ қурооллар мавжуд. Уларнинг орасида Шарқ мамлакатларидан Эрондан келтирилган қалқон, Афғон ва Кавказ ханжарлари, Ҳинд табарзини, Япониянинг “Арисоку” ва “Суоми” кўл пулемёти ва “Наумбу” пистолети, Хитой қиличлари сақланмоқда.

Ҳарбий қуроолларнинг катта қисми Россиядан келтирилган бўлиб, бу амирликнинг Россия билан иқтисодий шартномалари билан изоҳланади. Бухорога Афғонистон орқали Англия ва бошқа Европа мамлакатларидан 10 дан ортиқ турдаги ҳарбий қурооллар XIX аср охири ва XX аср бошларида олиб келинган.

Россияда ишлаб чиқарилган тўппонча, тўп, милтиқларнинг янги турлари билан Амир Насриллохоннинг 1837 йилдаги ислоҳотидан сўнг амирликнинг 2500 аскари таъминланди. Музей захирахоналарида сақланаётган рус қуроолларининг асосий қисми амирликдан мерос бўлиб қолган.

Рус сиёсий агентлиги вакиллариининг амирлар билан учрашишга келганларида ўзлари билан турли совғаларни олиб келиш одатлари бўлган. Ушбу совғалар ҳозирги кунда Бухоро музейларида

сақланмоқда. Шулардан Россиянинг биринчи императори Пётр I ва рус кўзғалончиси Ермакларнинг ҳайкаллари ҳозирда сайёҳларга намойиш этилмоқда. Венеция ойнаси билан безатилган Россияда ясалган жавонсовутгич (холодильник), Рус буюмлари орасида 84 пробали кумушдан ишланган ковуш диққатга молик. Унинг кемасимон шакли ва бурун томонидаги икки бошли бургут тасвири бу буюм рус заргарлари томонидан ясалганлигини кўрсатади. Икки бошли бургут-Россия герби орасига йирик қиррали ёқут тоши қадалган. Буюмга олтин суви югуртирилган. У Россия императорининг амирга қилган совғаси ҳисобланади.

Ҳозирда Арк қальасининг қушбеги ҳовлисида турган сейф ҳам 1853 йилда Москванинг Муллер заводида ишлаб чиқарилган. Ушбу сейфдан жаҳоннинг кўплаб ҳукмдорларида мавжуд бўлган.

Россиядан келтирилган трельяж-ойнаси ҳам мирзахонада намойиш қилиняпти. Ойна ҳақида маҳаллий халқ турли афсона ва ривоятлар тўқишган. Улардан бирида нақл қилинишича “Ойнага кириб уч марта тилак тиласангиз ниятингизга етасиз” дейилган. Ойнани “Қирқ қиз ойнаси” ҳам дейишади. Ойнага кириб ўнг ва сўл томонингизга назар ташласангиз ўзингизни 20 тадан аксингизни кўрасиз.

Ёинки, яна бир ривоятда кимки ойналарга бир неча дақиқа киприк қоқмасдан қараб турса, янада яшариб, кўркам бўлиб кетади, дейилади.

Россиядан келтирилган буюмларнинг кўпчилиги Ўрта осиеликлар учун янгилик бўлса, қолганлари қулай ва бежиримлиги билан маҳаллий ишлардан юқори баҳоланган. Бу эса Россияда саноатлашиш жараёнининг жанубий ўлкаларга нисбатан жадаллик билан ўсганлигидан далолат беради.

### **3.2. Ғарбий Европа мамлакатлари тарихий ашёларига умумий тавсиф.**

Бухоронинг XIX аср охири XX аср бошларида бир қатор халқаро кўргазмаларда ашёлари намоишга қўйилган. Масалан, улар саноат, қишлоқ хўжалиги, маданият, илм-фан, санъат ютуқлари намуналаридир. 1893, 1900 йилларда бўлиб ўтган кўргазмаларда Бухоро ҳам фаол иштирок этган. МДА ва Қушбеги архивларида Бухоронинг ҳам иштироқи ҳақидаги ҳужжатлар мавжуд.

1893 йилда Бухоро халқаро Калумбия ва Чикаго кўргазмаларида иштирок этди. Кўргазма 19 апрелда очилиб, 18 октябрда фаолият кўрсатган. Бухородаги Рус сиёсий агенти П.М.Лессар амир Абдулахадхонга ушбу кўргазма ва унда бухороликларнинг рус бўлими таркибида иштирок этиши ҳақида таклифлар берган. Барча харажатларни рус бўлими ўз бўйнига олди. Бухоро павилонида қишлоқ хўжалиги (боғдорчилик, балиқчилик), ов маҳсулотлари, хунармандчилик, заргарлик буюмлари, этнография ва бошқалар намоишга қўйилган эди.

1900 Бухоро Россия таркибида “Бутун жаҳон кўргазмаси” иштирок этди. Кўргазмада сараланган хунармандчилик маҳсулотлари, матолар, халқ бадий буюмлари этилган. Гидамлар, кашталар, эркак ва аёлларнинг бош кийимлари, матолар, эркаклар тўни, ҳарбий кийимлар, эркаклар белбоғи, заргарлик буюмлари, ҳарбий ва от анжомлар, мисгарлик буюмлари, маиший буюмлар, қишлоқ хўжалиги буюмлари этилган. Кўргазмада асосий ўринни тўқимачилик буюмлари эгаллади. Алоча, беқасам, адрас, қалами-буларнинг барчаси ярим ипак матолар бўлган. Кўргазмада Бухоронинг етарли даражада этнографик кўриниши тақдим этилган.

Европа ва Шарқ мамлакатлари ўртасида ўзининг илмий-техник ютиқларидан фойдаланиш ҳамда маданий алоқалар бирор даврда ҳам

тадрижий тўхтаб қолган эмас. Ушбу алоқаларнинг моддий далиллари Бухоро музейида кўплаб топилади. XIX аср охирида Венецияда кўзгусозлик жуда тараққий этади. Ушбу кўзгулар нафақат Европани балки, Россия, Хитой ва бошқа Шарқ мамлакатлари олий табақа хонадон ва саройларини безаб турган. Италиянинг Венеция шаҳрида тайёрланган бир қатор бежирим кўзгулар Бухоро амирларига совға қилинган. Улардан намуналар Амалий Санъат музейида намойиш этилмоқда.

Европадан турли ўлчамдаги узун дастали, япалоқ ковушли базмлар учун мўлжалланган қошиқ ва санчқилар ҳам музей фондларида мавжуд бўлиб, улар шунингдек, тибийвосита сифатида ҳам ишлатилган.

XIX аср ўрталарида Италиянинг Венеция шаҳрида тайёрланган иккита бир хил биллур ойналар ҳозирги кунда кўргазмаларда намойиш этилмоқда. Ойналар қалин биллурдан ясалган бўлиб, биллурга турли нақш ва шакллар бериб ишланган. Асосига кумуш қоплама ёпиштирилган. Пастки қисми курси шаклида ишланган. Ойналар шакли модерн услубида қилинган. “Оқ уй”га осиб қўйилган биллур безакли қандил Варшавада ясалган, ундаги лампочкалар Венада, электр токи берадиган мотор Олмонияда ишланган, қандилнинг оғирлиги 0,5 тонна келади.

Шахматхонада ишлатилган қандиллар Варшавадан, лампочкалар Венадан, паркет поллар Россиядан, дераза эшикларининг қулф-калитлари, ошиқ-мошиқлари (часпак), илгичлари ва дастаклари Буюк Британиядан, кафелли печлар ва электр станция (движок 5 кв.с.) 1913 йилда Олмониядан, рангли шишалар Фарангистондан келтирилган.

Швейцариянинг Беккер заводида қора тошдан ишланган иккита соат кўргазмадан ўрин олган. У механик усулда ишлаган. Зиёфат залининг икки деворига голланд печлари ўрнатилган. Уларнинг ранги зал безаклари рангига мос тайёрланган. Печлар (камин) Олмонияда

ишланган. Улардан бирининг тепа қисмида Бавария пивоҳўрлиги тасвирланган. Банкет зали билан анфилади эшиги орқали мирзахонага ўтилади.

Амир Абдулахадхон даврида турли сайллар бўлиб, уларда турли хорижий предметлар ҳам сотилган. Масалан, Бухоро бозорида одатда 25 рубл бўлган Буре фабрикаси соатлари сайлда 21 рублдан сотилган. Махсулотнинг пули ҳам шу ерда олинмасдан харидопга чек бнрилган ва кейинги куни уларнинг уйларида бориб пуллар териб чиқилган<sup>1</sup>. Ушбу соатларнинг 20 га яқик коллекцияси музей фондида сақланмоқда.

Юмшоқ буюмлар. Англиядан махсус буюртма асосида ясатилган йиғма кароватлар келтирилган бўлиб, улар ҳозирда ҳам ишлатилмагандек сақланган. Улар виллюр билан қопланган юмшоқ ўринли бўлиб, бронзага олтин суви бериб ишланган. Махсус бэжирим ишланган стол, стул, краватлар ўз номи билан XIX аср ўрталарида Бухорода амир саройида пайдо бўлган. Европада уйғониш даври инсонлари олдингидек яшаш учун, кун ўтказиш ва яратганнинг қахридан кўрқиб яшаш каби тушинчаларни иккинчи даражали деб ҳисоблаб, инсон яшаб турган ҳаётини яхши, барча ноз-неъматлардан тотиб яшаши кераклигини устун қўйишди. Энди уларнинг турмушида алоҳида кўнгил очар хоналар, вақтни қизиқарли ўтказиш учун турли ўйинлар, қулай анжомлар ва уларнинг безалишига алоҳида эътибор бера бошлашди. Айнан XIV-XV асрларда юқори табақа вакилларининг уйларида галиреялар пайдо бўла бошлади. Галиреяларда рассомларнинг асарлари, деворий безаклар, шиша қадаҳ ва биллур буюмлар асосий хона элементлари эди. Шарқ давлатлари Туркия, Эрон ва Бухоро амирларининг саройлари ҳам айнан Европа услубида XIX асрдан ишлана бошланди. Ситораи Мохи хосса саройида европача қабулхона,

---

<sup>1</sup>Андреев М.С., Чехович О.Д. Арк Бухары. Душанбе. “Дониш” нашриёти. 1972. – С.116.

базмхона, котиблар хонаси, чиннихона хоналари алоҳида сарой сифатида қурилган. Шарқ услубидаги бинолар ҳарамхона, айвон, тахт хонаси алоҳида комплекс сифатида бир-биридан ажратиб қурилган. Музейда турли мамлакатларнинг пул бирликлари ҳам сақланиб келинмоқда. Масалан, 1840 йилда Полшада зарб қилинган 10 грош, 1891 йилда Францияда чиққан 5 сантим<sup>1</sup> ва бошқа ўлчовдаги танга пуллар мавжуд.

---

<sup>1</sup>1 сантим - 1/100 франк.

## ХУЛОСА

95 йиллик тарихга эга Бухоро музейи ўз бағрида уч минг йиллик тарихни жо этиб, авлодларга ота-боболаримизнинг илм-фан, маданият ва маърифат, меъморчилик ва санъатда тенгсиз эканлигини намоён этмоқда. Ҳозирда Бухоро давлат бадий-меъморчилик музей-қўриқхонасида 84 000 дан ошиқ асосий фонд экспонатлари сақланаётган бўлса, шундан 8000 дан ошиғи экспозицияларда намоёиш этилмоқда.

2017 йилнинг ноябр ойида Тошкентда бўлиб ўтган халқаро “Замонлар чоррахаси: ўтмишнинг буюк мероси – маърифатли келажак пойдевори” номли форумида асосан Эрмитаж ва Берлин музейларида сақланаётган юртимиз тарихига оид ашёларжамланган ўнга яқин йирик тўпламлар нашр қилинди. Унда Россия федерацияси тўпламларида Ўзбекистон мусикий мероси, Ўзбекистоннинг маданий мероси Москва музейларида, Буюк Британия музейи нумизматика тўплами, Ўзбекистоннинг маданий мероси Лувр ва Франциянинг бошқа музейларида, Алишер Навоий қўлёзмалари Туркия тўпламларида, Ўзбекистоннинг маданий мероси Бодли кутубхонаси тўпламларида ва шу каби тўпламларнинг намоёиши бўлди. Шу жиҳатдан Ўзбекистон музейларида сақланиб келинаётган хорижий ашёларни жаҳон оммасига намоёиш этиш музейларимизнинг халқаро доирадаги нуфузини янада кўтаради.

Бухоро музейларида сақланаётган мингдан ортиқ хорижий артэфактлар жаҳон тарихини ўрганиш манбаси эканлигини илмий асослаш тадқиқот ишимизнинг асосий марказида бўлиб, тарихий ашёларимизнинг қимматлик ва ноёблик даражасига кўра, тайёрланган фабрика ёки қўл иши, совға ва савдо алоқалари орқали келиб қолиш тарихи хорижий манбалар ва XVI-XX аср бошларида Бухорога ташриф буюрган сайёҳларнинг музей фондларида сақланаётган кундаликлари асосида ёритиб берилди.

Даврий жихатдан энг қадимий тарихий ашё Миср фаянсидан тайёрланган тошбоқа ва сфинкснинг бежирим ҳайкалчалари ҳисобланади. Тошбоқа инсонларни бало-қазодан асровчи буюм сифатида Ўрта Осиёнинг кўҳна Ерқўрғон ёдгорлигидан ҳам топилган. Сфинкс эса фравнларнинг қабри жойлашган перамидаларни кўриқлаб турган. Ушбу буюмларнинг орасидан ўтган тешиклардан аниқлаш мумкинки улардан тақинчоқ сифатида фойдаланилган.

Хориждан келтирилган тарихий ашёларнинг миқдори жихатидан кўпчилиги Россиядан олиб келинган XVI-XX асрларга оид тарихий ашёлардир. Уларнинг ҳам орасида кўпчилиги металл буюмлар (ҳарбий куруллар, рўзғор буюмлари, сувинерлар)дан иборатдир.

Бухоро билан савдода XVIII-XIX асрга келиб Россия биринчи ўринга чиқиб олади. Бунга юқорида санаб ўтилганлардан ташқари, айнан рус маъмурлари томонидан илгари мавжуд бўлган Ўрта Осиё бўйлаб ўтадиган савдо йўллари назорат остига олинади ва карвонларнинг келиши нисбатан камаяди. Эндиликда Эрон, Ҳиндистон, ҳатто Тукиядан келтирилган мис буюмлар ўрнини рус металлургия заводларининг маҳсулотлари эгаллай бошайди. Музейда мавжуд Хитой, Эрон ва Россия фаянс ва форфорлари бир-бири билан таққосланди. Уларнинг тасвирий аҳамияти очиб берилди. Масалан, Эрон фаянсларида инсон тасвинларини, анъанавий базмларни, рус фаянсларида асосан, турли гуллар, шакллар ишланганлигини, Хитой чинниларида эса бутун бир жараённи тасвирловчи, вадий тасвирга бой, турли мавзулардаги сюжетларни учратиш мумкин. Шунинг учун ҳам амирлик давридаёқ Ситораи Мохи хосса саройида “чиннихона” Хитой чиннилари кўрғазмаси намойиш этиладиган алоҳида хона бўлган.

Музейда 1893 йилда Туркистон генерал-губернатори томонидан амир Абдулахадхонга совға қилинган европача услубдаги тахт ҳам ўрин олган. У ёғочдан ишланган ва юзасига кумуш суви юритилган.

Жаҳон тарихи мамлакатимизда дарсликлар, турли қўшимча адабиётлар, хорижий нашрлар орқали ўргатилади. Бу борада Бухоро музейида сақланаётган нодир тарихий артефактлар ўқувчига ушбу тарихни янада яқиндан танишга имконини беради. Яқин вақтларгача Бухоро музейидаги тарихий ашёлар илмий даражаси нисбатан куйи поғонада деган тушинча мавжуд эди. Аммо изланишлар давомида уларнинг дунё музейларида сақланаётган эквивалентлари билан таққослаганда, баъзи буюмлар ягоналиги, узоқ ўтмишга бориб тақалиши, сифати билан улардан ҳам тарихий қимматлилиги аниқланди. Хорижий артефактларнинг Бухорога, хусусан, Бухоро музейига келтирилиши жараёни Бухорога ташриф буюрган сайёҳларнинг кундаликлари, дунё музейларининг тўпламлари ва бошқа бир қатор туркум адабиётлар орқали аниқланди.

Бухоронинг Лаби ҳовуз мажмуасидан Регистонга қадар асосий савдо ишлари олиб бориладиган карвонсаройлар, баъзан ички маҳаллаларда ҳам карвонсаройлар бўлиб, улар омборхона ёки меҳмонхона вазифасини бажарган. Бухорога темир йўлнинг кириб келиши (1888 йил 26 феврал) билан Россия товарлари янада арзон нархда келтирила бошланди. Бу эса уларнинг сон жиҳатдан кўпайишини таъминлади.

Шаҳар хорижий мамлакатларнинг товарларини сотадиган алоҳида бозорлар бўлган. Тоқи Саррофондан ҳовузи Рашидга борадиган йўл атрофида кичик бир бозор бўлиб, унда майда маҳсулотлар ва самоварлар сотилган. Тоқи Телпакфурушондан Мағоки Аттор масжиди томонга борадиган йўл ёқасида чиннифурушлар растаси мавжуд бўлган. Тими Абдуллахоннинг орқа томонида ҳарбий қуроолар савдоси билан шуғулланадиган дўконлар ҳам бўлган.

Музей фондларида Қрим ва Венгрияда босмадар чиқарилган диний торалар ҳам мавжуд бўлиб, улар Бухоро яхудийларининг муқаддас Таврот китобидан парчалар ҳисобланади. Бу ёзувларнинг баъзи қисмлари

Бухоро меъморчилигига ҳам таъсир қилиб, хона интерерида безак вазифасини бажарган. Торалар махсус эни 0,5 метрли ва ундан йирик хажмдаги тўпларга ўраб қўйилган. Торалар билан ёнма-ён яхудийларнинг шамдонлари ва Тавротнинг ўзи экспозицияларда намойиш этилмоқда.

Умуман олганда Ўрта Осиёнинг Шарқ ва Ғарб мамлакатлари билан савдо иқтисодий муносабатлари бирор-бир даврда ҳам тўхтаб қолмаган. Музейда мавжуд юнон-македон тангалари ўлканинг милoddан аввалги даврларда бошланган иқтисодий алоқаларидан хабар берса, грамафон, ёзув апаратлари, соатлар, лампочкалар замонавий XX аср бошларидаги иқтисодий маданий вазиятни аниқроқ баҳолаш имконини беради.

Ушбу магистрлик ишидан келиб чиқиб қуйидагиларни тафсия қилиш мумкин:

1. Музей соҳасида ишлаётганларга келгуси тадқиқотларида қўлланма сифатида ишлатилади;

2. Тарихнинг турли даврларини ўрганаётган изланувчилар кенг фойдаланишлари мумкин;

3. Бухоронинг жаҳон мамлакатлари билан муносабатларини кейинги тадқиқотларда кенгроқ ўрганишда;

4. Таржимонлар (гид-экскурсоводлар) учун қўлланма;

5. Келгусидаги тадқиқотларда ҳар бир давлат билан муносабатларни ўрганишда;

6. Савдо алоқалари тарихини кенгроқ ёритишда фойдаланиш ва алоҳида тадқиқотларни олиб бориш ишларига тафсия этилади.

## Фойдаланилган адабиётлар

### Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Т.: “Маънавият”. 2017. –С.244.

2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамыз. Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – Б.485.

3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: “Ma’naviyat”, 2008. –В.5.

### Махсус адабиётлар

4. Низамуддинов И. Из истории среднеазиатско-индийских отношений (IX-XVIII вв.). Т.: “Ўзбекистон”.1969. –С.143.

5. Ишонов А.И. Бухарская народная советская республика. Т.:1969. – С.392.

6. Английские путешественники в Московском государстве в XVI в. (перевод с английского Ю.В.Готье). Л.: 1937. –С.308.

7. Россия – Ўрта Осиё муносабатлари тарихи (масъул муҳаррир А.Жумаев).Бухоро.: “Бухоро”, 2004. –Б.44-45.

8. Исторические записки. М.: “Наука”, №36. 1951. –С.287.

9. Ремпель Л.И. Далёкое и близкое. Т.: “Фан”, 1981. –С.304.

10. Жумаев Қ. Ситораи Моҳи Хосса. Бухоро.: “Бухоро”, 2010. –Б.56-57.

11. Жуковский С.В. Россиянинг Бухоро ва Хива хонликлари билан сўнгги уч юз йилликдаги муносабати (масъул муҳаррир А. Ҳамроев). Бухоро.: “Бухоро”, 2010. –Б.72.

12. История Узбекистана в источниках (составитель Б.В. Лунин). Т.: “Фан”.1988. –С.256.

13. Халфин Н.А. Присоединение Средней Азии к России. М.: “Наука”.1965. –С.66.

14. Боевой путь войск Туркестанского военного округа. М.: “Наука”, 1959. –С.306.
15. История материальной культуры Узбекистана. Выпуск 20. Т.: “Фан”, 1986. –С.173.
16. Эрматов М. Ўрта Осиё, Россия ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги дўстона алоқалар тарихидан.Т.: “Фан”, 1959. –Б.64.
17. Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии (XVI – середина XIX вв.). – М.: ИВЛ.,1958. – С. 76.
18. Бартольд В.В. История изучения востока в Европе и в России. – Л.: “Наука”, 1925. – С. 111, 176-177.
19. Аминов А.М. Экономическое развитие Средней Азии (колониальный период). Т.:1959. –С.298.
20. Ёров А.Ш. Бухарский эмират на мировом рынке. Душанбе.: “Дониш”, 2005. –С.230.
21. Егоренко О.А. Бухарский эмират в период протектората России (1868-1920 гг.). М.: “Наука”, 2008. –С.184.
22. Краткий очерк Бухарского ханства // Военный сборник, № 12. 1890.
23. Савельев П. Бухара в 1835 году.
24. Ханьковъ Н.В. Описание Бухарского ханства. С-Петербургъ. 1843. –С.160-179.
25. Хотамов Намоз. Свержение эмирского режима в Бухаре. Душанбе.: “Дониш”, 1997. –С.348.
26. Прочко И.С. История развития артиллерии. С.Петербург.: “Полигон”. 1994. –С.496..
27. Давидович Е.А. История денежного обращения средневековой Средней Азии. М.: “Наука”. 1983. –С.359.
28. Бухара и мировая культура (сборник статей). Б.: “Бухоро”, 1993; 1994. –С.203-9.
29. Ковровые изделия Востока. Ленинград.: “Наука”, 1924. –С.14.

30. Михалева Г.А. Узбекистан в XVIII первой половине XIX века ремесло, торговля и пошлины. Т.: “Фан”. 1991. – Б.112.

31. Крестовский В.В. Въ гостях у эмира Бухарского. 1887. СПб., - С.186.

### **Журнал ва газеталар**

32. Султонова Г. Бухоро ва Ёркент хонликлари ўртасидаги савдо алоқалари.//Мозийдан садо. Тошкен.: 2004. –Б.22.

### **Интернет сайтлари**

33. Chi-Ming.Hsieh. Moderating effect of membership status onthe quality-value-loyalty chain atmuseums.//scientific journal publishers limited, 2018, 46(1), 107–126.

34. Muloqot.uz

35. Tarix.uz

36. Google.tj

37. sredniazii.ru

38. ziyonet.uz